ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ДОРИ ТУРЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

“Янги авлод дорилар технологияси” фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Маъруза матнлари кафедра мажлисида
муҳокама қилинган ва маъқулланган
2006 й 23 ноябрь баённома N7

Тошкент –2006 й

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ДОРИ ТУРЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

“Янги авлод дорилар технологияси” фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-бўлим: “Гомеопатик дорилар технологияси”

Тузувчи: проф. Назарова З. А.

Маъруза матнлари кафедра мажлисида
муҳокама қилинган ва маъқулланган
2006 й 23 ноябрь баённома N7

Тошкент –2006 й

М А Ъ Р У З А 1

МАВЗУ: "ЯНГИ АВЛОД ДОРИ ТУРЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИКБОЛЛАРИ. МАХСУС ДОРИ ТУРЛАРИНИНГ ТАЪРИФИ, ЗАМОНАВИЙ ХОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ, АСОСИЙ МУАММОЛАРИ. ГОМЕОПАТИЯ АСОСЛАРИ, +ИС+АЧА ТАРИХИ".

Маърузага ажратилган вақт- 2 соат.

Ўқитиш мақсади: Янги авлод дори турлари таърифи, таснифи, ўзига хослиги хақида тушунча бериш. Аъзоларга дориларни йўналтирилган равишда ўтишини таъминловчи омилларни кўриб чиқиш. Махсус дори турларининг кискача таърифи,ҳозирги ҳолатини бахолаш. Гомеопатия асослари,таъсир этиш механизмлари билан таништириш.

РЕЖА:

1. Янги авлод дори турлари технологияси ривожланишининг асосий йўналишлари.
2. Янги авлод дори турлари ва махсус дориларнинг таснифи ва қисқача таърифи.
3. Янги авлод дори турлари, махсус дориларнинг технологияси, ўзига хослиги.
4. Таъсири олдиндан белгиланган ва йўналтирилган дори турлари, уларнинг барпо этиш асослари, турлари ва умумий таърифи.
5. Махсус дори турлари технологиясининг қисқача тарихи, таърифи ва ҳозирги ҳолати.
6. Тиббиётда қўлланиладиган нотрадицион даволаш усулларининг ҳозирги замон тизим ва ғоялари хам шу максадда ишлатиладиган махсус гомеопатик ,фито даволаш, косметологик, ветеринар ва бошқа дори турлари.
7. Дори турлари технологиясининг махсус кисми: педиатрик,гериатрик,косметология ва ветеринариянинг мустақил ривожланишига янги туғилган чакалоклар, қариялар, шу жумладан,хайвонлар организмининг ўзгача бўлиб анатомик-физиологик ўзига хос фарк килиш алохида шартғшароит тугдирганлиги.
8. Гомеопатия, қисқача тарихи, ривожланиш истиқболлари.
9. Адабиётлар
10. Хулоса.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг тараққиёти ва ривожланиши юқори савияли кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлиб, улар ўзининг профессионал бурчини, яъни аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлашда назарий, амалий билимлар даражасига, дори турларни тайёрлашда керак бўлган кўникмалар ва дориларнинг тўғри ишлатилиши бўйича маълумотларни бера билишга эга бўлиши керак.

Фармацевт мутахассисларнинг тайёрлашда дори турлари технологияси, албатта, алоҳида ўринни эгаллаб, унда нафақат дорихона, балки корхоналарда, кимё-фармацевтик муассасаларда тайёрланган дорилар технологияси ва дори модданинг таъсири олдиндан белгиланиб узайтирилган ва йўналтирилган препаратларни, кейин махсус дори турларидан гомеопатик, янги туғилган чақалоқлар, ёшига қараб бериладиган дорилар, косметология, ветеринария амалиётида ишлатиладиган дорилар бўйича ўқитиш кетма-кетлиги, бир-бири билан боғланган ҳолда бўлиши керак.

Бундай мавзуларнинг ўқитилиши махсус стандартлаштирилган Жаҳон соғлиқни сақлаш уюшмасининг (ВОЗ) НАП Ҳужжатлари асосида тузилган янги дастур бўйича олиб борилади.

Ҳозирги вақтда беморни тузатиш, умуман даволаш ишларида дори турларининг аҳамияти қанчалик юқори ва яънада бу омилнинг роли ошиб бораётганлиги хеч кимда шубҳа уйғотмайди. Демак фармакотерапияда дори турлари энг асосий манбаи деса бўлади. Шунинг учун хозирги замонавий дори турларига фақат фармацевтик талаблар эмас, балки биофармацевтик талаблар хам қўйилган. Биофармацевтик талаблари бўйича дори турлари таркибидаги препаратни тўла тўкис таъсир этишини таъминлаши; энг паст даражада унинг ёмон таъсирини тушириб препаратнинг фармакологик хусусиятларини яққол очган холда таъсир кучини таъминлаши.

У мазмунда бугунги кунда традицион дорилар, яъни таблетка, суртма, эритмалар бошқадан кўриб чиқилиб, уларнинг асосида янги дори турлари барпо этилмоқда.

Энг кўп қўлланиладиган дори турларни ичида 50% ни ташкил этувчи таблеткаларни олсак: таблетка яратиш технологияси, ёрдамчи моддаларнинг фармацевтик хусусиятлари, уларнинг терапевтик самарадорликка таъсири, мос келиши, биологик сўрилиш даражаси ва бошқалар қайтадан кўриб чиқилиб, шу билан бир қаторда фармакологик доривор гурухлар (антибиотиклар, гормонлар) ҳам янгидан кўриб чиқилмоқда ва шу ишларнинг натижасида янги дори турларини турғунлигини таъминловчи, танадаги уларнинг таъсирини аниқ ва йўналган холда назоратларни кузатиб боришда қулай бўлган янги дориларни барпо этиш бугунги куннинг энг долзарб масалалари деб хисобланади.

Биофармация, фармакокинетика ва фармакодинамика изланишларнинг биргаликдаги натижалари доривор моддаларни самарали ва бехатар ишлатиш учун илмий асос ярата бошлади.

Бундай натижалар янгидан янги дори турларини ишлаб чиқаришга йўл олиб беради. Булар жумласидан берилган дори турининг танада қачон ва қанчадан ажралиб чиқишини текшириб турувчи ва уларни керакли аъзо ёки тўқималарда таъсир кўрсатишини олдиндан хисобга олган холда чиқариладиган дори турлари алоҳида ўрин тутади. Бундай препаратлар қонда таъсир этувчи модданинг терапевтик концентрация даражасини маълум вақт ичида узоқ , доимо сақлаб туриш ва натижада дорининг даволаш дозасини камайтириш, меъда-ичак йўлларини қитиқлаш ва умуман дорини кераксиз қўшимча таъсирини камайтиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Бу хил дорилар фармацевтик, физиологик, биохимик омилларга таянган холда уларга технологик жараёнлар даврида танада дорининг ҳаракат тартиби олдиндан белгилаб қўйилади. Бу дори турлари фармацевтика заводлари маҳсулотларига кириб, уларни дорихонада тайёрлашга шароит йўқдир.

Фармакокинетик таъсири олдиндан белгиланган препаратларни кўриб чиқамиз. Фармакокинетика "дорини силжитмоқ" маънони тушунтиради (юнонча сўз). Бу фан танада дориларнинг сўрилиши, тарқалиши, биотрансформацияси ва танадан чиқиб кетиши (элминация)ни ўрганади. Яъни тананинг доривор моддага таъсири.

Фармакодинамика эса доривор модданинг танага кўрсатган таъсирини ўрганади. Демак, фармакокинетик хусусиятини олдиндан белгилаш мумкин экан, бунда ўзига хос даволаш усулини танлаб олиш ва, энг муҳими, бериладиган дори модданинг таъсир этиш даражасини аниқлаш хам мумкин бўлади. Берилган дорини танада қачон ва қанчадан ажралиб чиқишини текшириб турувчи ва керакли аъзо ёки тўқималарда таъсир этишини олдиндан хисобга олган холда дорилар ишлаб чиқарилади.

Бундай дориларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Бир-бирларининг таъсирин оширувчи;
2. +арама қарши таъсирли;
3. Танлаб таъсир этувчилар.

1. Бир-бирларини таъсирини оширувчи,яъни синергетик препаратларда дори моддалар биргаликдаги таъсир натижасининг йиғиндиси бўлиб, терапевтик самара олишга имконият беради. Мисол тариқасида асфенни келтириш мумкин. Унинг таркибидаги ярим дозада ацетилсалицил кислота (0,25 г) ва фенацетин (0,15 г) бор. Дозаларнинг камайиши ҳисобига ацетилсалицил кислотанинг қитиқловчи таъсири ҳамда фенацетиннинг заҳарли таъсирлари йўқолади. Лекин ҳар икки ярим препарат биргаликда бир бутун ажойиб иссиқ тушурувчи ва оғриқ қолдирувчи натижани беради. Препаратнинг тоза ҳолдаги натижасига кўра ундан самаралироқ дорилар турли фармакологик гурухларга мансуб бўлиб. таъсири бўйича бир йуналишдаги даволовчилар қаторига киради. Лекин уларни бир вақтда қўшиб истеъмол қилинганда таъсири кутилгандан бирмунча ортиқ натижа беради. Буларга мисол қилиб папазол, никоверин, никошпан, ксантинол никотинатларни кўрсатиш мумкин.

2. +арама қарши натижали деб бир модда иккинчи модданинг таъсирини маълум даражада пасайтиришига айтилади. Препаратларнинг бундай хусусияти уларнинг қўшимча, нокерак, нохуш таъсирларини камайтириш ёки йўқотиш мақсадида фойдаланилади. Бундай препаратлар тўғридан-тўғри ва билвосита таъсирли бўлиши мумкин.

3. Танлаб таъсир этувчи таблеткалар ва дражелар ўз таркибида бир нечта доривор моддаларни сақлаб турли босқичларда уларни кетма-кет сарф қилади. Бу дори тури ўз таркибида бир-бирига зид доривор моддалар сақлаб, уларнинг ҳар қайси юпқа қобиқ билан ўралади. Шу сабабли улар зарур вақтда ва тананинг керакли жойида ажралиб чиқиб ўз таъсирини алоҳида-алоҳида кўрсатади. Масалан драже ҳолида чиқариладиган "мексаза" уч қаватдан иборат: ички қаватида (ядро) энтеросептол, ўрта каватида панкреатин ва ташқи қаватида бромелин сақлайди. Танада биринчи бўлиб ташқи қаватдаги бромелин, сўнг панкреатин ва ниҳоят энтеросептол ажралиб, ўз таъсирини бирин-кетин намоён қилади. Бундай дори турларини чайнамай бутунлигича ичишни ёдда тутиш керак.

Фармакотерапияда истиқболли деб дорилардан таъсир этувчи кучи йналтирилганлари айтилади. Доривор модданинг органларга, тўқима ва хужайраларга йўналтирилган холда етказиб оборилиши уларнинг заҳарлилигини ва шу билан бир қаторда аяб сарфланиши кўзда тутилади.

Адабиётларда келтирилагн маълумотларда шу нарса тасдиқланганки, истеъмол қилинган дорилардан дори модданинг 90% мақсадга мувоффиқ эмас, яъни мўлжалга етиб бормас экан.

Хозирги замон янги авлод дориларини уларнинг мўлжалга етказиб бориш поғонаси, таъсир этиш механизми ва транспорт қилувчи модданинг катта-кичиклигига кўра, уч гурухга бўлиш мумкин.

Янги авлод дориларининг 1 гурухига - тана аъзоларга (мишенлар) етказиб борувчилар:

- микрокапсулалар ¦
¦ катта-кичиклиги 1 мкм дан катта
- микросфералар ¦

2 гуруҳ – тўқималарга етказиб борувчилар:
- нанокапсулалар ¦ буларнинг катта-кичиклиги 1 мкм гача,
- наносфералар ¦ улар коллоид моддалар
- липосомалар ¦

3 гуруҳдагилар - хужайраларга етказиб оборувчилар:
- антителолар ¦ катта-кичиклиги 1 мкм гача
- гликопротеидлар ¦

Антителолар - бу организмда (лимфа, қон, тўқима) антигенларга(ўзга, организм учун ёт бўлган оқсил модда) қарши хосил бўлиб, уларнинг зиёнли таъсирини бартараф қилувчи моддалар. Мисол учун алексин (ҳимоя қилувчи қонни зардобида хосил бўлган модда), амбоцептор - бу хам химояловчи микроб билан иммунизациялашда қоннинг зардобида хосил бўлган мода, у шу микробларни эритиб ўлдиради.

Магнит орқали бошқариладиган системалар: танада тегишли жойларга дориларни етказиб бериш, дори тарқатувчи-ташувчи моддалар ёрдамида икки хил бажарилади:

1 - сусткашлик билан етказиш - бу хол дори тарқатувчи моддаларнинг физик-кимёвий хусусияти билан белгиланади.

2 - актив етказиш - бунда турли ташқи муҳитлар ёрдамида (масалан, магнит майдони) дорининг етказилиши тартибга солиниб туради.

Дори модданинг йўналтирилган холда аъзо-мишен, тўқима ва хужайраларга етказиб беришини, яъни уч гурухга бўлиб кўрилаётган дори турлари қайси даражада организмга таъсир кўрсатишини қуйидаги расм орқали яққол тасвир қилиш мумкин.

Маълумки, агар одам танасидаги айрим аъзолар умумий вазифани бажарса, улар шу аъзолар тизими (системаси) дейилади. Бу асаб, қонғтомир, нафас олиш, овқат хазм қилиш, ажратиб чиқариш ва кўпайиш аъзо системаларидир.

Мисол қилиб ажратиб чиқариш аъзолар тизимини кўрсак.

Хужайралар тўплами (йиҒиндиси) тўқима, бир қанча тўқималардан (эпителиал, боҒловчи, мушак, асаб) аъзолар хосил бўлиб ва шу бир хил вазифани бажарувчи аъзолар бир тизимни ташкил қилади.

Демак, 1 гуруғдаги дори моддаларнинг ташувчилари янги авлод дорилари ва улар айрим аъзо ва тўқималарнинг ёнига йўналтирилиб таъсир кучини кўрсатса, 2 -гуруғ ташувчилари дори модданинг тўқиманинг ўзида тарқалади, шу гуруғ ташувчиларига эритроцитлар, қон элементлари хам ўзи билан дори моддани ташиши мумкин, чунки организмда айланиб (циркуляция) қилиб, яъни қон айланиши билан аъзоғмишенга дори модданинг таъсири йуналтирилади.

3 ғ гуруғдагилар ташувчи вазифасини эмас, балки организмга хар ғил антигенлар (бактерия, вирус, оқсил токсинлар) тушганида антигенга қарши антителалар хосил бўлади. Уларни "таниб олиш" элементи сифатида ишлатилади.

Антителолар ўсмага қарши дори модданинг ишлатилиши шу ўсма хужайрасининг устидаги антиген бўлишига боҒлиқ. Лекин бундай антиген соҒлом хужайрада бўлмайди.

Дори турларининг кискача тарихини эслаймиз.

ГОМЕОПАТИЯ БЎЙИЧА ДАВОЛАШНИ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ
(ГОМЕОПАТИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВАТАЪСИР ЭТИШ МЕХАНИЗМИ)

Гомеопатия препаратларининг мураккаб физиологик таъсир этиш механизмини тушунтириш бўйича назариялар кўп. Негели,Степун, Шаде деган олимлар асосийси организмда кечувчи кимёвийғфизикавий “микрофизикавий таъсир “ деб номлашган.

Иккинчи назария бўйича кичик микродозалар таъсири худди катализатордек таъсир этишини кўрсатиб, бу назарияни “микродоза катализацияси” деб ном беришган.

Кейинги назарияғэнергетик потенциялаш назарияси ҳисобланади. Микродозаларғэлектро омил сифатида организмга таъсир этади. Маълумки, одам организмидаги кечадиган хаётий ўзгаришлар асаб тизимига боғлиқ. Буни И. М. Сеченов, И. Е. Введенский, И. П. Павлов ва бошқалар исботлашган.

Ички доимий гомеостаз ўзгарса организм уни ўзғўзини бошқариб тиклашга уринади. Шунинг учун гомеотерапияда организмни асаб тизимидаги ўзгаришларга баҳо берилади.

Организмғбир бутун аъзо ишини бузиб қолмай, балки организмни фаолиятини бузилишини кўрсатади.

ГОМЕОПАТИЯ ТЎғРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА ВА қИСқАЧА ТАРИХИ

қадим замонлардан бери турли моддалардан дори турлари ишлатилиб келинган. Кўп дори турлари минг йиллар давомида узлуксиз ўзгаришларга учраган. қадимги Мисрда хозирги вақтда қўлланиладиган айрим дори турлари (эритмалар, суртма ва хаб дорилар) ишлатила бошлаган ва шу дори турларига табиий холатдаги ўсимликлар, ғайвон ва минерал мағсулотлар аралаштириб қўллаш йўлга қўйилган.

ўша даврнинг бир қанча олимлари тиббиёт ва фармация фанларининг тараққий этишига катта таъсир кўрсатдилар.

Масалан, қадим грек шифокори Гиппократ беморларни малхам, хаб дори, эритмалар, қайнатмалар ва доривор модданинг аралашмалари билан даволашган. К. Гален дориларни тайёрлаш қоидаларини хам тизимлаштирган. Машхур шарқ файласуфи шифокор ва фармацевт Ибн Сино фармациянинг алоғида фан бўлиб ажралиб чиқишига катта таъсир кўрсатди. У кўп дори турлари таркибини яратди ва такомиллаштирди.

Айниқса у хаб дорилар, сепмалар, ўсимлик шарбатлари, сиркада тайёрланган настойкалар ва бошқалар билан даволаган. 1020 йилда ёзилган Ибн Синонинг "Тиббиёт илми қонунлари" 5ғкитобида бўтқалар, қайнатмалар ва хаб дорилардан мураккаб таркибли дори воситалар келтирилган. Алоғида ўринда терьякларнинг технологияси келтирилади. Терьяклар илон, чаён чаққанида, қутирган ит қопганида берилган.

Терьяклар таркибига захарли кора илон (гадюка), опий ва шунга ўхшаш 64ғта модда, шу жумладан, асал, винолар қўшилган ва кулчалар ясалган.

Бошқа шарқ олимлари қаторида Абу Райхон Беруний, АрғРозий, Али ибн Аббос кўрсатиб ўтиш мумкин. Берунийнинг минерология китобида турли минералларнинг даволаш

хусусияти ва хоссалари келтирилган. Мумиё асил тўҒрисида кенг маълумот берилган. Маълумки мумиё хозирги пайтда тан олинган дори модда.

Халқ табобати қадимги Россияда табиблар қўлида бўлган. XI асрда бошлаб турли дори турлари дорихоналарда тайёрлана бошлаган. XIX асрга келиб фармациянинг ривожланиши йўлга қўйилди. Кўпгина дори турлари: бўтқа, сиркалар, эссенциялар, эликсирлар таёрлаш жараёни кашф этилди. Хозирги пайтда тиббиётда анъанавий даволаш усуллари билан бир қаторда ноанъанавий даволаш усуллари хам кенг қўлланиляпти. Шу мақсадда ишлатиладиган гомеопатик, фитодаволаш, игна санчиш билан даволаш, гипноз, сув, хаво, лазер ва бошқа усуллар, косметология, ғамда ветеринарияда ишлатиладиган дори турларининг ривожланиши авж олмоқда. Гомеопатияда педиатрик, гериатрик, янги туҒилган чақалоқлар ва бошқа бир гурухни ташкил қилувчи, хайвонлар учун мўлжалланган дориларга катта ахамият берилаётганини алоғида қайд этиб ўтиш керак. Лекин махсус дори турларини тайёрлашда умумий дорилар технологиясига асосланади ва фармакогнозия, фармакология, фармкимё, микробиология каби фанларнинг асосини батафсил билиш керак, санитарияҒгигиена қоидаларига тўлиқ амал қилиш шарт.

Гомеопатик табобат хозирги даврда етарли даражада самарали ва хавфсиз даволаш усули бўлиб, у кўплаб бемор ва шифокорларнинг эътиборини ўзига тортди. Халқ табобатининг адабиётларида шифокорларнинг гомеопатия соғасидаги билимларини кенгайтириши мумкин бўлган, гомеопатияга доир маълумотлар манбалари етарли эмас. Охирги йилларда Т. Д. Поповaнинг "Гомеопатия хақида очерклар"китоби, В. И. Варшавскийнинг "Амалий гомеопатия", Г. Кёллернинг таржима қилинган "Гомеопатия" китоби чоп этилади. Гомеопатик адабиётнинг етарли бўлмаганлиги сабабли ғақиқий обзор ғам чоп этилди. Гомеопатия илмий тиббиётнинг ўрнини тўлдирмайди, балки шу тиббиётнинг давомидир. Айрим шифокорлар гомеопатик ва аллопатик даволашнинг фарқи ғақидаги муаммо тўлиқ ечилмаган деб ғисоблашмоқда. Кўпгина шифокорлар оддий медикамент билан гомеопатик даволашни афзал кўрадилар. Гомеопатия ғ бу панацея эмас, агар уни аллопатия билан қўшиб қўлланиб, кенг тарқалган касалликларни даволашда қўлланиладиган оддий дорилар самарасиз бўлганда, гомеопатик ва аллопатик даволаш комплекси катта самара беради. Гомеопатик даволаш ўткир ва сурункали касалликларда организмнинг табиий қарши курашувчанлик кучи туфайли яхши натижалар беради. Айниқса, у болалар учун самарали, бундан ташқари кўп сиқилиш, стрессдан келиб чиқадиган касалликларни даволашда ағамияти катта. Беморнинг тез орада шифо топишига сабаб, гомеопалар аллопатлардан кўра кўпроқ беморнинг темперамети билан боҒлиқ касаллик белгиларига ағамият берадилар. Гомеопатия кўп мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Айниқса, Хиндисонда учта халқ табобати ғ аюрведо, сиддха, юнани билан бир қаторда кенг қўлланилади. Гомеопатия тиббиётга катта ғисса олиб кириши мумкин.

Фаолият асосида Самуил Ганеманнинг "ўхшашлик қонуни" ётади. Гиппократ ва бошқа қадимги муаллифлар хам шу қонунга ўхшаш ходисани беморларни даволашда сезар эдилар. Масалан, ичак орқали вакцинотерапия, аутогелеотерапия принципи бўйича, серотерапия ва Пастернинг антибиотик эмлашлари.

ўзиниг "ўхшашлик қонуни"ни ишлаб чиқишда Ганеман дори моддаларнинг терапевтик дозада соҒ одамларда, яъни ўзида, шифокорларда, ғамда кўнгилли талабаларда ўрганган ва синаган. Дори моддалар организмнинг турли системаларида орган ва тўқималарда ўзгаришлар хамда бузилишлар чақирган. Тажрибага олинган шахслар дори модданинг номини билмаган холда уни мунтазам қабул қилиб, шу билан бирга организмларида содир булаётган ўзгаришларни ёзиб борганлар. Маълум вақт оралиҒидан кейин Ганеманнинг шахсан ўзи бу шахсларнинг соҒлиги билан танишиб, сўнг дори моддасидан келиб чиққан объектив ва субъектив белгиларни умумлаштиради ва шулардан дори таъсири хақида хулосалар чиқарди.

Лекин белгиларни анатомикғфизиологик жиғатдан умумлаштиришни имкони бўлмади. Шунинг учун кўп белгилар ишонарли эмас. Ганеман дори моддаларни турли хил хайвон ва одам организмига турлича таъсир қилишини айтган ва шунинг учун соҒлом одамларда синаб кўриш усули организмда нафақат объектив, балки субъектив ўзгаришларни яширишга ёрдам берган, қайсики бу ўзгаришлар, яъни оҒриқ сезиш хусусияти хақида, рухий фаолият функциясининг ўзгариши хақида инсоннинг ўзи гапириб берган. Гомеопатияда шундай фойдали ва рационал бир нима борки, бу хам бўлса дори моддаларнинг кам дозадаги фаоллиги, айниса улар ўхшашлик қонуни бўйича буюрилган бўлса.

Замонавий шифокорғгомеопатлар ўхшашлик қонунида гомеопатиянинг негизини топган ва ундан беморларга дориларни танлашда фойдаланганлар.

Ганеманнинг илимларидан бири бўлган "2ғрационал бўлим" ғ беморларга кам дозада дорилар тайинлашга асосланган Ганеман дастлабки йиллари янги усул билан даволашни қўллаганда дориларни катта миқдорда қўллаган, кейинчалик у шуни аниқлаганки, бемор соҒ одамга нисбатан кучлироқ қитиқланиш намоён қилади. Шундай қилиб, Ганеман, дори моддаларни максимал даражада майдаланган ғолда ва кам дозаларда бериш керак экан деган хулосага келади.

Ганеман ўзининг "Тиббиёт санати органони" деб номланган асарида шундай деб ёзади: "Дори моддасининг қайси касаллик билан бўлса хам ўхшашлиги унинг нафақат гомеопатиклиги билан, балки дорининг миқдори билан аниқроҒи, унинг кам миқдорда қабул қилиниши билан тушунтирилади. ўта юқори дозада дорини, хох у гомеопатик дори бўлсин, қабул қилиш бемор ахволини оҒирлаштиради. Чунки бунда дорининг кучи керагидан ортиқча таъсир қилади ва беморнинг касалланган ерига зарар етказади (дорининг таъсири ва шикастланган жойнинг оҒриҒи биргаликда касаллик сиптомларининг зўрайишига олиб келади). Шунинг учун гомеопатик дорини юқори миқдорда қабул қилиш зарарли".

Охирги йилларда тиббиёт амалиётида айрим дориларга нисбатан уларни паст дозада қабул қилиш оқими яратилди. Тиббийғбиологик тажрибаларда ғайвонлар учун дори моддаларни 1:1 000 000 ва ундан ортиқ суюлтирилган холда қўлланилмоқда. Ферментатив жараёнларни самарадорлигига мос келувчи ферментларнинг минимал миқдори билан хам боҒлиқ. Кейинги йилларда оҒир металларнинг турли таъсири хақида ғам гапириш мумкин, яъни улар хайвон, ўсимлик организмида ва тупроқда минимал миқдорда сақланади. Муайян шароитда ўтказилган Н. П. Кравковнинг тажрибаларидан шу маълум бўлдики, 10ғ32 суюлтириш даражасидаги зағар ғали хам ўз фаоллигини сақлаган бўлади. Бу таъсирни Кравков "парафармакологик" деб атаган ва уни молекула парчаланиши билан таъсирлашуви билан тушунтирган. И. П. Павлов шуни таъкидлаганки, бром миқдори беморнинг нерв системаси турига боҒлиқ бўлган невроз касаллигига 100 марта ўзгариши мумкин ва катта дозаларига нисбатан кичик дозалари самаралироқ таъсир кўрсатади. М. К. Петрованинг тажрибасидан бром тузлари миллиграмм миқдорида берилганида терапевтик эффект намоён қилингалиги аниқланди. Хар бир дори моддасининг физиологик таъсирини алоғида ўрганганида қуйидагилар ғисобга олинади:

1. Јайвонларда фармакологик тажрибаларда синалган дорининг натижалари.

2. Кишиларнинг тасодифий зағарланишларидаги токсикологик кузатишлар.

3. Бу модда билан соҒлом одамларда Ганеман томонидан ўтказилган тажриба натижалари.

ўсимлик доривор моддалар даволаш бағосининг кетмағкетлиги даражаси жихатдан ботаник оилаларга бўлиналнади.

Айрим дори воситалари ўрганилмаган бўлгани учун, яъни гомеопатик фармакодинамикаси ўрганилмаганлиги учун улар кам ишлатилади.

Адабиётларни хамма бўлимларида ва терапевтик кўрсаткичда касалликларнинг номи ва патогенези, касалликларнинг белгилари келтирилган. "Тайёрлаш ва тайинлаш усуллари" ва "Терапевтик қўлланилиши" деб номланган бўлимларда дори моддаларни паст, ўрта ва юқори даражада суюлтирилган холда тайинланади; амалиётда беморларни даволашда кўпинча қўлланиладиган дорилар дозалари қалин босма харфлар билан ажратилган.

Хақиқий гомеопатия қўлланмаларини тузувчилар В. Швабе гомеопатик фармакопеясида кўрсатилган дори моддалар номенклатурасига таяндилар. Гомеопатик дориларни тайёрлаш бизнинг юртимизда ва чет элларда хозиргача шу фармакопея асосида тайёрланмоқда. Бу фармакопея 1872 йилда ёзилиб, кўп тилларга таржима қилинган, хусусан, рус тилига 1899 йил таржима қилинган. Ганеман берган номлар хали хам сақланиб қолган. Айрим дори моддалар ўз номига мос келмайди, лекин улар 1796 йилдан бошлаб ёзиб келинган гомеопатик терапевтик адабиётга киритилгани учун, гомеопатик дорихоналар ва даволовчи шифокорлар янглишмаслик учун дориларнинг қадимги номенклатурасига таянадилар. Фаолият кўрсатаётган гомеопатик дорихоналарда беморларга бериладиган дорилар номи лотин тилида ёзилади, лекин дори бериладиган идишдаги ёрлиқлар рус ёки ўзбек тилида ёзилади. Дори моддасининг номи гомеопатик рецептда бош келишикда "Recipe" сўзисиз ёзилади. "Терапевтик қўллаш" деган бўлимда беморга тавсия қилинган дорини гомеопатик дорихонадан берилаётганида номи лотин транскрипцияси билан ёзилади ва бу лотинча номлар Швабе фармакопеясига мос келиши керак.

Замонавий гомеопатия албатта аниқ илмийғматериалистик асосларга эга бўлиши керак. Гомеопатия халқ табобатининг кўплаб бўлимлари ичида керакли ўринлардан бирини эгаллаши зарур.

қ И С қ А Ч А Т А Р И Х И

ўрта асрларда беморни даволашда зулуклар қўйиш, қон чиқариш усуллар қўлланилган, бунинг учун қон сўрувчи банклардан фойдаланилган, шунингдек, ич юмшатувчи, қусуқ чақирувчи ва терлатувчи воситалар хам ишлатилган. Табиблар дори моддаларнинг хусусиятларини тўлиқ билмай туриб, уларни бошқа дорилар билан аралаштириб, хеч қандай асоссиз жуда катта дозаларда ишлатишган. ўткир касалликларда рецептлар кунига бир неча марта ўзгарган. Сурункали касалликларда эса дори номлари 2ғ3 кунда ўзгарган. Дори моддаларнинг аралашмасига темир, симоб, хинин, опийлар кирган. Бу дорилар ғам катта дозаларда буюрилган. Масалан, симобли бирикмалар яра қилгунча, яъни организм тўлиқ зағарлангунча буюрилган.

Шундай табиблар бўлганки, улар ўз тажрибасини самарасиз деб топиб, даволаётган беморга ўзларининг кучсизлигини ва бераётган дорилари беморга захарлилигини очиқ ошкор қилганлар.

Гомеопатик даволаш усулининг асосчиси немис олими ва шифокори Самуил Ганеман (1755ғ1843 йй.) хам ўша даврда яшаган ва шулар тоифасига кирган. ўша давр табобатида дори моддаларнинг таъсири хақида тўлиқ маълумот йўқ деб таъкидлаган. Ганеман лотин, грек ва араб тилларни билган холда, кўп йилларни қадимги манбаларни ўрганиш ва таржима қилишга баҒишлаган. У Гиппократ, Авиценна, Гален, Орибазия, Карнелий Цитс, Диоскорид, Аэтия ва бошқаларнинг баёнларини ўрганган. У ўз даври табобатини камчиликларини билиб, даволашда хеч нарсага асосланмаган мураккаб таркиблардан воз кечиш ва беморларни ўзига хос субъектив холларини инобатга олишни маслахат берган. Ганеман қадимги муаллифларнинг ўхшашлик принципи йўналиши бўйича дориларни қўллаганлигини аниқлади. Гиппократ шундай ёзади: "Беморга унинг табиати табиблик қилади, хақиқий табиб эса ёрдам

бериши керак. Касаллик ўхшашлик билан вужудга келади ва ўхшашлик билан бемор соҒлиҒини тиклайди".

1790 йил Ганеман Кулленнинг "Доришунослик" асарини инглиз тилидан немис тилига таржима қилаётганида, муаллиф хинна пўстлоқининг таъсири хақидаги бўлимида кўплаб амалга қарши гипотезалар топган.

Ганеман бу ўсимлик доривор махсулотини текширишига киришди ва бир неча кун мобайнида у ўзида маълум миқдорда дорини қабул қилган ва синаган, натижада, унда безгак симптомлари пайдо бўлган. Бу тажрибани бир неча бор ўзида ва дўсларида синаб кўриб, Ганеман хининни нафақат безгакни даволовчи, балки катта дозада соҒлом организмда безгак касаллик белгиларини келтириб чиқаришини таъкидлайди.

Генман қадимги муаллифларнинг тажрибалари ва фикрлашлари билан танишиб, улардан беморларни даволашда "ўхшашлик принципини" топди ва ўзининг хинна дарахти пўстлоҒи билан бўлган тажрибаси асосида гомеопатик назариясини яратди.

Ганеман тажрибада дори воситаларини синаб кўриш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқарди:

ғ хар бир дори модда организмда махсус таъсир кўрсатади;

ғ дорининг таъсири рационал реакция бўлиши учун хисобғкитоб қилиниши керак;

ғ реакция организмнинг аввалги холатига боҒлиқ;

ғ организм реакцияси туфайли кичик яллиҒланиш стимулланган самарага эга;

ғ яллиҒланишнинг мослиги субъектнинг реакцияси орқали аниқланади.

6 йилдан кейин қаттиқ ме•нат қилиб, соҒ ва бемор организмларда турли доривор моддаларни синаб кўриб, Ганеманнинг биринчи марта тажриба натижалари чоп этилди.

1796 йилда Гуфеланнинг табобат ойномасида Ганеманнинг "Доривор моддаларни даволаш хусусиятини топиш учун янги жараён тажрибаси" деб номланган мақоласи чоп этилди.

1805 йилда эса худди шу ойномада Ганеманнинг "Тажрибали табобат" деб номланган мақоласи чоп этилди.

1810 йилда Ганеманнинг "Табиблик санъатининг органони" номли китоби нашрдан чиқди. Шу даврда Ганеман Лейпциг дорилфунунида приватғдоцент унвонига сазовар бўлди. ўқитиш жараёнида унинг атрофида талабалар, табиблар, дорини ўзида синашга ихтиёри билан келганлар бўлар эди.

1811 йилда Ганеманнинг баёнларидан бири бўлган "Тоза доришунослик"нинг 1ғқисми чоп этилди. Бир неча йилдан кейин эса унинг қолган 4ғта қисми хам чоп этилди. Бу асарда 60 га яқин дори моддалар таъсири келтирилган. Дориларни излаб топиш ва қўллашда ўз усулини бошқа усуллардан фарқлироқ, Ганеман "гомеопатик" деб номлади.

"Гомеопатия" (юнончада:homos ғ ўхшашлик, patos ғ даволаш) термини ўша даврдан то хозирги давргача ўз номини сақлаб қолган. Унинг акси "аллопатия" (allos ғ қаршилик, patos ғ даволаш) бўлиб, бу терминни хам Ганеман киритган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида профессор Златорович бошчилигида Ганеман ва унинг ўқувчилари томонидан текширилган ва тадбиқ қилинган дори моддаларини қайта синаш ишлари олиб борилади. Венада Злакович бошчилигида Австриялик синовчи табибларнинг жамияти ташкил қилинади. Бунинг натижаси Ганеман илмининг фойдасига деб топилди.

Ганеманнинг юқоридаги тажрибаларидан келиб чиққанхулосалардан гомеопатлар ва аллопатларнинг даволашидаги фарқларини кўриш мумкин. Агар беморнинг ошқозони яллиҒланган бўлса, аллопат тинчлантирувчи дорилар билан даволайди, гомеопат эса яллиҒлантирувчи дорилар билан, лекин жуда кам миқдорда. Гомеопатиянинг принципи табиий касаллик ва дори таъсирида чақирилган касаллик бирғбирига ўхшашлиги бўйича мос келиши керак.

Гомеопатия Лейпциг университетининг про. немец Самуэль Фридрих Ганеман 1755ғ1843,томонидан тиббиётда янги даволаш йуналиши сифатида пайдо булган. Гомеопатия юнонча homeos – ухшаш ва patos касаллик сузларидан ташкил топган. Гомеопатия дорилари соглом одада катта дозаларда синалганда,у дори кайси касаллик белгиларини пайдо килса, уша касалликни айнан шу дори билан даволашга асосланган. Бу фикр Ганеманга 1ғмарта Куленнинг “Доришунослик” китобини немец тилига таржима килаётганида доривор хинанинг таъсирини ёзганда эътиборини тортди. У “ухшашлик” конунини шунга асосан яратди. Гипократ ва бошка кадимги олимлар шу ухшашлик конуниятини курсатиб кетганларини,хозирги замонавий шароитда хам такрорланяпти. Мисол тарикасида кон алмаштириш аутогеомотерапия,вакцинотерапия,эмлаш ва бошкаларни келтириш мумкин. Ганеман 100га якин доривор моддаларни узида ва уз хохловчи талабаларида синаган. Катта /лекин захарланмайдиган / дозаларда соглом кишиларга бериб, уларда содир булган ёки бошка суз билан айтганда биринчи маротаба дорилар патогенезини тузган. Маълумки касалнинг симптоми патогенези булади,лекин доривор моддаларнинг узига хос таъсири булиши ва Ганеман дорилар патогенези деб аташи янгилик булган. Агар ДМ катта дозада соглом одамда касаллик чакирса,шу ДМ кичик дозада даволаш гомеопатиянинг 1 принципи, асоси булиб конунлаштирилган,11ғнчи конуни жуда кичик дозалар ишлатилиши мумкин,канча ДМ майда булса тез сурилиб,тез таъсир кучини курсатади. Ганеман уз тажрибалари остида топган,касал организми ДМнинг катта дозаларга жуда кучли хозир жавоб, яллигланиши, китигланиши зур. Шу туфайли Ганеман ДМ дозаларини кичик олиб пасайтириб,даволаш дозасини минимал микродозага туширган.

Ганеман Саксонияда тугилган 1755 йилда у жуда кобилиятли, билимга ташналик билан кизикадиган синчков бола булган. У Сократ, Диоскорид,Парацельс, Гален, Ибн Синонинг яратган ижодларини ургани б ДМнинг ишлатилишида конуният борлигини топади. Айникса Гиппократ ёзган “”Касалнинг унинг узини табиати тузатади,ухшаш нарса касал чикирса,ушани узи тузатади” дегани.

Ганеманнинг 1 принципи куп тажрибалар келиб чикишига асос булади. 1810 йилга келиб Ганемен “Органов Врачебного искусства” китобини ёзиб унда уз тажрибалари,кузатишлари келтирилган. Бу китоб кейинчалик инглиз,француз, рус ва бошка тилларга таржима килинди. Бу китобда яна дориларни кичик дозаларда ишлатиш ва уларни соглом одамларда синаш кераклиги курсатилган. Кичик дозалар ишлатилиши замонавий тиббиёт амалиётида тасдикланиб,куйидаги мисолларни келтириш мумкин: ферментларни таъсири,Н. П. Краковнинг тажрибалари асосида топилган захарларни таъсири 1ғ32 суюлтиришда ижобий булиши мумкин. И. П. Павловнинг бромлар кичик дозаси неврозлардаги таъсири буйича ва бошкалар. III принципи асоси соглом одамда гомеопатия дорилари катта дозаларда синалганда у кайси касалликни пайдо килса,дори айнан уша касалликни даволайди. Гомеопатия дори воситаларининг кушимча таъсири йуклиги купчиликни узига жалб килади. АКШда 1832 йили, Бельгияда 1953 й, Англияда 1856й, Аргентинада 1963й, Мексикада 1895й, шунингдек Голландия ,Дания , Швейцария, Италия, Норвегия, Швеция, Испания, Греция, Финландия, Осиё давлатларида Хиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри Ланка, Африка Китъасида: Нигерия 1960й, Лесто 1979й, Зимбабве 198 1й , Австралия ва Янги Зелландия амалиётларида хам гомеопатия секин аста ривожлана борди. Россияга чегарадош Польша, Венгрия, Чехославакия, Руминияларда ҳам гомеопатия ўз ўрнини топган. Польшада 1892 йилдан бошлаб гомеопатия жамияти мутахассислардан ташкил топган комиссия томонидан текшириб,ижобий натижа берилган муносабати билан гомеопатия Давлат томонидан расмий тан олинган.

Венгрия ва Чехословакияда Гомеопатия усули билан даволаш бошқа қўшни давлатларга нисбатан бирмунча камроқ йўлга қўйилган. Россияга Ганеман ғоялари ўтган асрнинг 20

йилларида кириб келди. 1824 йил Петербургда Ганеман ва унинг таълимоти билан таниш бўлган доктор Адам Германияда шу йўналишни қўллаш учун кўчиб келади. Бу назарияни ёқловчилар хам топилиб, гомеопатия йўли билан даволаш тез тарқала бошлайди. 1828 йилда ўша вақтда харбий госпиталларнинг бирида хизмат қилувчи лейбғмедик Германияга Ганеман усули билан даволашга хуқуқ берилди.
1832 йилдан Петербург, Москва, Рига шахарларида гомеопатия дорихоналарини очишга рухсат этилди. Москвада 1ғнчи гомеопатия дорихонаси Петровкада 1835 йилда очилиб, унга гомеопатия таълимини тарғибот қилишга кўп хизмат қилган А. О. Фарбрихер бошчилик қилган. Х1Х асрнинг 2ғнчи ярмидан бошлаб гомеопатия журнали хар ойда чиқабошлайди. 1898 йил Петербургда гомеопатия касалхонаси очилди. 1833 йил Ригада хам 1ғнчи гомеопатия дорихонаси очилди ва 1959 йилга қадар дорихона шахсий гомеопатик шифокорлар рецепти бўйича дори тайёрлар эди. Хозирги вақтда мустақил хамдўстлик давлатларида,жумладан Москва, Рига, Киев, Ленинград, Тибилиси, Ялта, Симферополь, Львов, Харьков ва бошқа шахарларда 20 га яқин гомеопатия дорихоналари, Москвада гомеопатия касалхонаси ва дорихоналар қошида гомеопатия бўлимлари ишлаб турибди. Уларнинг ишини яхшилаш мақсадида Москва, Киев, Тошкент шахарларида шифокорғгомеопат ва провизорғгомеопат тайёрлаш бўйича махсус курслар ташкил этилган. 1989 йил Киевда шифокор гомеопатларнинг бутуниттифоқ съезди бўлиб бунда ташкилий масала кўрилиб, бутуниттифоқ гомеопатия ассоцияси ташкил этилди, унда дорихона хизматчилари хам фаол қатнашди. Айрим шахарларда жамоатчилик йўлида кооператив гомеопатия марказлари ташкил топмоқда. Масалан, Киевда “Гомеопат”, Львовда “Апис” марказлари. Хозир барча мамлакатларда ишлатиб келаётган гомеопатия дорилар сони 2000 атрофида бўлиб, шунда В. Швабе қўлланмасига 514 киритилиб,улардан фақат 150 яқини МХД давлат реестрига кирган халос. Маълумки реестрга кирмаган доривор ўсимликлар хом ашёси билан ассортимент, хам миқдор жихатдан таъминлашни ташкил этиш, бу сохада ижод қилаётган барча илмий ходимларга қарата қилган мурожати айни муддаодир. Бу сохадаги изланишларни кучайтириш ва тиббиётга жорий этиш хақидаги фикрлар хам тахсинга сазовордир.
Йўналишлар:Гомеопатия препаратларининг арсеналини бошқатдан кўриб, чет элликларни ўзимизникиси билан алмаштириш. Гомеопатияда регламентга киритилган дори турларига инъекция, кўз ДТ, аэрозол, таблетка, терапевтик системаларни киритиш хозирги замон ёрдамчи моддалар ЮМБ, СВФ, эритувчилар, стабилизатор, суртмалар, эмульсия ва гидрофил асослар ишлатилиши. Эссенция,НКА, гранула, томчиларни технологиясини ривожлантириш. Гомеопатия ДТ сифатини назоратида хозирги замон билан Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги қошидаги Фармакопея Комитетида гомеопатик фармацияни чиқишини ўйлаб кўриш. Дориғдармонлар учун НТХ (норматив техник хужжат) ишлаб чиқилмайди ва шу боисдан улар дори сифатида фабрикалар томонидан деярли ишлаб чиқарилмайди. Шундан хулоса шулки гомеопатия дориғдармонлари устида кенг ва самарали илмий изланишлар олиб боришимиз зарур.

МАЪРУЗА –2

МАВЗУ:ГОМЕОПАТИЯ ДОРИЛАРИНИ ТАЪСИР ЭТИШ МЕХАНИЗМИ, АСОСИЙ НАЗАРИЯЛАРИ. ГОМЕОПАТИЯДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОЗАЛАР, СУЮЛТИРИШЛАР ВА АСОСИЙ ГОМЕОПАТИЯГА ОИД +ЎЛЛАНМАЛАР.

Ў+ИТИШ МА+САДИ: Гомеопатия дориларини таъсир этиш механизми, асосий назариялар. Гомеопатик даволаш усуллари, дозалари, суюлтиришлар билан таништириш. Гомеопатик фармакопеяси хақида маълумотлар бериш.

МЪРУЗА РЕЖАСИ:

1. Гомеопатия дориларини таъсир этиш механизми
2. Гомеопатия даволаш усулининг асосий назариялари
3. Гомеопатияда ишлатиладиган дозалар, суюлтиришлар
4. Гомеопатик фармакопеяси, унинг тузилиши.
5. Адабиётлар.

Гомеопатияда ишлатиладиган асосий дори турлари: порошоклар, эссенциялар, сувли ва спиртли эритмалар, тинктуралар, доначалар (хаб дори, болюс,гранулалар) бўлиб, камроқ таблеткалар, суртмалар, тиббиёт мойлари ва спиртлари, оподельдоклар ва шамчалар хисобланади. Одатда ичиш учун бир кача кундуз давомида суюқликдан 5ғ8 томчи, доначадан 3ғ4ғ7 донача буюрилади. Одатда 1 томчи эритма 1та доначага тўғри келади. Агар беморга икки хил дори буюрилса, биринчиғэрталаб, иккинчиси кечқурун ётар олдидан истеъмол қилиш тавсия этилади. Ёки биринчиғбиринчи кун, иккинчисиғиккинчикун ичилади, яъни бирини бугун, иккинчиси эртага.

Гомеопатияда бирламчи суюлтирилмаган эритмалар, эссенция ва тинктуралар словян 8 “фита” билан белгиланиб, улардан тайёрланган суюлтирилган эритмалар ўнлик Д. Дес, Х белгилари , юзлик С. СН, минглик М белгилар билан ифодаланади. Агар бironта белги қўйилмаган бўлса юзлик суюлтириш тушунилади. Айрим холда суюлтириш даражалари рақамнинг устки чап томонида нўл билан ифодаланиб, битта нўл бўлса ўнлик, иккита нўл бўлса юзлик хисобланади. Масалан: 02,^{00}2 ва шунга ўхшаш. Айрим давлатларда мингли суюлтиришлар мавжуд бўлиб, М харфи билан белгиланади. Масалан: 1МғЗХЗДғ10^{г3}, 2Мғ6Х 6Дғ3 ЗСғ10^{г6}ғ100^{г3}.

Гомеопатия усулида ўзига хос қонуниятлардан бири кичик дозаларда фойдаланиш хақида илгари хам гапюритган эдик. Масаланинг мохияти шундаки, Ганеман модданинг энг кичик дозаси хам касал организмининг касалланган жойига таъсири этиши қобилиятига эга деган фикрга келган эди. Маълумки, касалланган қулоқғтовушга, ярағчақаэсаустига тегадиган нарсаларга ва шунга ўхшаш.

Гомеопатияда шахсий сезгирликка жуда катта ахамият берилади. Хар бир одамда нимагадир, қандайдир бир нарсаганисбатан шахсий сезгирлик мавжуддир. Бу ходисага Ганеман ўз эътиборини қаратиб,буни “Идиосинкразия” деб атади. Бу масала юзасидан Г. Г. Кент “Агар идиосинкразия бўлмаганида гомеопатия бўлмас эди” деган эди. Шуларни ва гомеопатиянинг “ўхшашлик” қонунини хисобга олганда ўзғўзидан аёнки касалга буюрилган дорининг қандайдир бир қисмигина даволашга талуқли ва етарлидир.

Гомеопатияда бериладиган дозалар жуда аниқ бўлиши керак, бу хам қонуниятлардан бири. Чунки,маълум суюлтиришда аниқ тўхталмаса у дорида таъсир аксини кутиш мумкин. Масалан: тахикардия касаллигида Greatiola Зғнчи юзлик суюлтиришда берилса,брадикардияда Зғнчи ўнликда буюрилади. Гипотонияда Krateguo Д6 суюлтиришда буюрилиб, гипертонияда ЗХ дабуюрилади. Худди шундай Spongia (гулка) гипотонияда ЗХ, гипертонияда 6С, 12Сда бюрилади. Яна бир мисол, ичак фаолиятининг бузулганида,аниқроғи ич келмаслик ва ич

кетганда бир хил доридан фойдаланилади. Лекин улар дозаси яъни дориларни келтириш мумкин: алоэ, Гамамелис,Ликоподий.

Ич қотганда	Ич кетганда
6С	3Х
6С	3Х
6С	2Х ,3Х
2Х, 3Х	3С, 3Х
6С, 12С	3Х

Гомеопатия бўйича даволашда ўзига хос хусусиятларидан бири буюриладиган дорилар дозасидир. Бу дозалар аллопатия дозаларидан анчағмунча,балки тубдан фарқ қилади. Биз илгари эслатиб ўтганимиздек маълум бир касал учун миқдор оптимал таъсир этувчи доза (меъёр) деб аталади. Оптимал доза илмий асос ва клиник кузатишлар ёрдамида аниқланиши керак. Маълумки,гомеопатияда кичик, ўртача ва юқори суюлтиришлар ўз ўрнини топган. Кўрсатилагн суюлтиришларда қайси дорини қанчадан берилиши жуда катта махорат талаб қилади. Гомеопат шифокорлар кўпинча 1,3, 6,12, 18, 24, 30, 100, 200, 1000 хатто 50. 000 суюлтириш даражаларида (шкала) фойдаланишади.
Келтирилган рақамлар орасидаги кўрсатилмаган сонли суюлтиришларнинг таъсири йўқ даражада хисобланади. Франциялик гомеопат шифоклор Ш. Шареттнинг ёзишича 1дан 6гача бўлган суюлтиришлар кичик, 6дан 12гачалари ўртача, 18дан 100ггачалари юқори ва 100дан ортиқлари жуда юқори суюлтиришларга киради. Унинг фикрига кўра касалликнинг зўриққан чоғида дорининг бирламчи ёки кичик суюлтиришдагисини, сурункали холатида ўртача ёки жуда юқори суюлтиришдагисини буюриш яхши натижа беради. Асаб касаллигида юқори ёки жуда юқори суюлтиришдагилари натижали деб топилган Дориларни истеъмол қилиш мухлати ва вақти хам турличадир. Масалан, бемор касалнинг зўриққан даврида дори тезғтез,масалан, хар соатда, сурункали касалда бир кунда 1ғ2 марта буюрилади. Булардан ташқари яна қуйидаги қоидага риоя қилиш маъқул деб топилган. Буюрган доридан касал ўзини ёмон сезса,дорини тўхтатиш, агар ёмон сезгандан сўнг бироздан кейин бемор ўзини яхши сезабошласа хам, яхшиланиш давом этаётган даврда хам дорини тўхтатиш, агар бемор ўзини вақтинча ёмон хис этиб,сўнг аввалги холатига қайтса дори турини алмаштириш, буюрган дори ёқмасдан касаллик зўриқса уни бу хусусиятини тўхтатиш учун бironта андитот бериш керак. Агар истеъмол қилинган доридан бемор яхши хис этса,шу хиссиёт давомида дорини тўхтатиш керак, аксинча, доридан бемор ўзини аввалгидек сезса, яъни ўзгариш бўлмаса шу беришни давом этдиринг ёки бошқа ўхшаш доридан фойдаланинг. Агар сиз танлаган доридан беморга ёрдами тегмаган бўлса, у холда:
ёки суюлтириш даражасини ўзгартиринг,
ёки реактив доридан беринг (масалан сульфур)
ёки дори билан бир қаторда конститутционал дори буюринг(масалан калькареа)
Гомеопатия дорилари билан даволаш кофе, чой, спиртли ичимликлар ва зиравор,хушбўй моддалардан истеъмол қилишни манъ қилиш зарур, чунки булар кўпчилик дорилар учун антидот хисобланиб дорилар кучини қирқади. Деярли барча гомеопатия дорилари учун камфора универсал антидот хисобланади.

Болалар учун бериладиган дори миқдори одатда қуйидаги хисобдан буюрилади. Масалан: катта ёшдагилар учун бир томчи ичиш бюрилса, болаларга унинг ярим ёки тўртдан бир миқдори буюрилади, бундай дозага дорини сув билан суюлтириш натижасида эришилади. Агар рецепт ёки талабномада суюлтириш шкаласи /даражаси/ умуман кўрсатилмаган бўлса

юзлик суюлтириш тушунилади. Гомеопатияда дори турларини тайёрлаш давридаги мухлатга катта эътибор беришлик бежис эмас, чунки эритмаларни тайёрлашда 10 марта кучли чайқатиш, тритурацияларни хавончада тайёрлашда 1 соат талаб қилинади. Бундай ме•нат ва муддат давомида доривор моддалардаги ўзига хос яширин кучнинг юзага чиқиши ғисобига дори таъсир кучининг янада жўшқинланиб ошишига олиб келади. Бу жараённи гомеопатияда потенциялаш ва динамизациялаш дейилиб, булар хисобига кичик дозалардан фойдаланиш қонуни пайдо бўлади. 1800ғчи йилда тажрибалар асосида пайдо бўлган бу қонун юзасидан Ганеман эритмаларни бир неча марта қаттиқ чайқатиш ёки қаттиқ моддалардан заррачаларга айлантиришда нафақат бир хил аралашма ва заррачалар хосил қилибгина қолмай балки уларга янги таъсир сифати баҒишлайди деган эди. Бунга бир неча мисоллар қаторида ош тузини мисолга келтириб, одам кундалик истеъмол қиладиган ва ундан кўпроқ миқдордагисининг деярлик хеч қандай терапевтик таъсири йўқлиги, лекин унинг гомеопатик дозасидагисининг таъсири борлигини келтиради.

Јозирда маълумки витамин В 412 0ни айрим камқонлик касаллигида бериладиган миқдори ундаги кобальтнинг бир грамминиг миллиондан бирини ташкил қилади. Одам танасидаги хатто ўлчаш қийин бўлган миқдордаги микроэлементларнинг тана ўсиши ва фаолиятидаги мухим ўрни беқиёсдир. Одам танасида бир кунда ишлаб чиқариладиган тиреодининг миқдори жуда озгина бўлиб, 0,0000005 граммга тенгдир. Бу қонуниятнинг яъни потенциялашнинг юзага келиши гомеопатияда айрим металлар: олтин, кумуш, мис, платина, темир, қўрҒошин, ва шунга ўхшаш ғамда ёҒоч кўмири, қум ва шу кабиларни ДориғДармон сифатида кенг қўллаш имкониятини яратди. Вахоланки юқорида келтирилганлар табиий холда доривор модда сифатида ишлатилмайди.

Ганеман биринчи бўлиб,дори воситаларни олдин соҒлом организмда синаб кўриш кераклигини айтган эди,ва шу билан бирга дорилар патогенезини топган эди. Чунки дорининг патогенези худди касал симптоми билан бир хил бўлади,лекин дори патогенезларида Ганеман қандай одам қиефасигаўхлашлигини ёзган. Гомеопатияда биологик жихатдан одам конституцияси ишлатилган. Одам конституцияси нимадан иборат. У ижтимоий ва табиий шароитда хар хил таъсир кўрсатгич омиллар остида пайдо бўлган одамдаги шахсий физиологик ва анатомик хусусиятлар комплексидир. Демак гомеопатик даволаш усулида одамнинг конституцияси, яъни уни морфологик, физиологик ва психика томонлари ўрганилиб хисобга олиниши шарт.

Гомеопатия жихатдан морфология нимани кўрсатади. Тирик организмларнинг тузилишини ва шаклини ўрганади.

Физиология ғ организмнинг функцияларини ўрганиши ёки одамнинг хулқ атворини, табиатини кўрсатади.

Психология ғ рухий ғолатини кўрсатади. Шу туфайли касал қабул қилинганда уни объектив ва субъектив (холиссало мустақил равишда касалнинг яқинларини ва касалнинг шахсий ўзи айтган маълумотлари катта ағамиятга эга.

Шундай қилиб касал устида олган маълумотларни Материя медикада келтирилган дорилар патогенези билан солиштирган холда касалга гомеопатик дори танлаш мумкин.

Шу билан бир қаторда касалнинг миазмаси хам хисобга олиниш керак, яъни бу юнон сўзи бўлиб mhia ғ пашша.

МНіа ғ пашша тухумлари чақирадиган касалликлар миазмқ ғташқи муғитдан одам организмига тушган юқумли касаллик тарқатувчи микроблардир (маразлар). Демак гомеопатик даволаш усулини қўллашда одам конституциясини ғисобга олган холда касалларни қайси дорилар патогенеэига тўҒри келашига қараб туриб,уларни уч тоифага бўлиш мумкин: *калькаре фосфорика, калькареа карбоника,калькареа флюорика.*

Шу учта гурухларни одами ўзига хос юқорида айтганимиздек морфологик ва психологик томондан хусусиятларга эга ва фарк қилади. Яъни касални тоифасига қараб биринчи конституционал дориси белгиланади.

2. КАСАЛ ВА ДОРИ БИР БИРИГА УХШАШЛИГИ АСОСИДА ГОМЕОПАТИК ДАВОЛАШ УСУЛИ

Синдром ва нозология оркали ёндашиш умумий патологик синдромлар:

1. ОҒриқ:
   а. қаттиқ қорин оҒриши,қорин мушаклари спазм бўлиши натижасида.
   б. ички аъзоларни қопловчи қатламларнинг шамоллаши яъни яллиҒланиши.
   в. қон айланиши бузилишининг натижасида
   г. нерв асаб бузилишида #

Бериладиган гомеопатик дорилари : аконит, арника, арсеникум, белладонна, хина, хиосциамус, нукс вомика, пулсатилла, сульфур, вератрум, хамомилла.

Шикастланиш ва жарохатланишда.

Арника, ледум, хиперикум, календула, калькареа фосфорика, кантарис, гепар сульфур.

ЯллиҒланиш, газак олишда.

Апис, белладонна, рус, кантарис, бриония, хелидониум, меркуриус, гепар сулбфур, силицеа.

Безгак, алахлаш, истма кўтарилганда.

Аконитум, бриония, гельсеминум, арсеникум альбум, лахезис, хина, феррум фосфорикумис.

қон кетишда.

Ипекакуана, миллефолиум, феррум ацетикум, хамамеллис, арника, аконитум ва бошқалар.

Гомеопатик даволаш усулида дорини тўҒри равишда танлаш, уни дозасини,қанчадан ва неча маротаба қабул қилинишини топиш энг мухим муаммо бўлиб келмоқда.

Кўп тажрибалар натижасида янги Р. Фоль усули, З. Габович диагностикаси ва юошқалари амалий равишда қўлланиляпти. Тиббиёт маркази "С Велен" қошидаги РоссияғАқШ корхонасида ишлаб чиқарилган, "ПЭЛАД" номли электропунктура диагностик прибори бор. Хар бир доривор ўсимликлардан олинган гомеопат воситаларнинг спектралғтўлқинли хусусиятлари микрокомпьютер хотирасига киритилиб 2047 прерарат тўҒрисида маълумот бор.

Гомеопатғшифокор Фоль усулини ишлатган холда қўл ва товондаги акупунктура нуқталарга босиб кўриб "аппаратғкасал" кнопка орқали дори воситаси танланади.

Тест қилинаётган дорилар билан касал организми алохида тўлқинлар ёрдамида боҒланади /чатиштирилади ва салбий ёки ижобий организмни реакцияси приборни индикаторида кўринади. Организмга таъсири ижобий белгиланган дори приборини компьютер хотирасига ўтказилади. Битта эмас бир неча дори воситалари ижобий таъсир кўрсатиши хам мумкин. Кейин шу дориларни потенциясини гомеопат белгилайди ва олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлса, ўша захоти беморга берилади.

Габовичэлектрапунктура диагностика усули "Тест" аппаратида олиб борилади, унинг ёрдамида организмнинг хар бир аъзосини иши функцияси ёзилади, маълумот олинади ва кейин шу аъзони қайси гомеопат дорисига сезгирлиги топилади. Аппарат орқали фақат гомеопат дори эмас, балки озиқғовқат, косметика ва тақинчоқларга хам муносабатини кўрсатади. 15ғ20 минут ичида юрак, нафас, ошқозон ва алохида иши тўҒрисида маълумот гомеопат препаратларини дозаси белгиланади.

3. ГОМЕОПАТИЯ ФАРМАКОПЕЯСИ ВА УНИНГ ТУЗУЛИШИ

Доктор Вильмар Швабе, 1950 й. Немисчадан таржима М. 1967 й.

ғ Кириш қисми
ғ Умумий қисми
ғ Махсус қисм

I. Умумий қисм.

А. Гомеопатик фармация:

Бу қисмда ўсимлик хомғашёлари, дори тайёлашнинг махсус йўллари, суюлтириш усуллари, дориларни сақлаш ва бериш хамда дори турларини тайёрлашга оид 9 та параграф келтирилган. Иш жараёнида шуларга қаттиқ эътибор берилади.

Яна дориларни тайёрлашда ишлатиладиган асбобғускуналар, дори сифатини текшириш усуллари келтирилган.

Б. Гомеопатия дори турлари технологияси.

Iғбоб Дориларни ўсимлик ва жониворлардан тайёрлаш янги йиҒилган ўсимликдаги шарбатлар миқдорини аниқлаш.

I,2,3,4, параграфларда ўсимлик хомғашёларидан эссенция ва тинктураларни тайёрлаш берилган.

IIғбоб Минерал ва кимёвий бирикмалардан дори турини тайёрлаш келтирилган.

5ғпараграфда сувли эритмалар

6ғпараграфда сувлиғспиртли эритмалар

7ғпараграфда қуруқ моддалардан порошоклар тайёрлаш

IIIғбоб Турли суюқликлардан порошоклар тайёрлаш

8ғпараграфда сувли ёки спиртли эритмалардан порошоклар тайёрлаш

9ғпараграфда эссенция ва тинктуралардан порошоклар тайёрлаш

Бубобда ўнлик ва юзлик шкалалар тушунчаси. Турли дориларни суюлтириб эритма ва порошоклар олиш.

Гомеопатик дориларни суюлтириш жадвали.

ўнлик шкаласи	Юзлик шкаласи
1x 1/10	1. 1/100
2x 1/100	2. 1/10000
3x 1/1000	3. 1/1000000
4x 1/10000	4. 1/100000000
5x 1/100000	5. 1/10000000000
6x 1/1000000	
7x 1/10000000	
8x 1/100000000	
9x 1/1000000000	
10x 1/10000000000	

Турли дори моддалардан суюлтиришлар тайёрлаш.

А. Суюқликлар /эритма, эссенция, тинктура/ дан суюлтириш йўли билан дори тайёрлаш.

Бунинг учун идиш хажми 1/2ғ1/3 қисмида бўш бўлиши керак.

Дори номи ва суюлтириш даражаси идиш ва пробкада кўрсатилиши керак.

Мисоллар асосида ўнлик ва юзлик суюлтиришлар келтирилсин.

Хар доим суюлтириш ўн марта /қаттиқ/ кучли аралаштириш йўли билан олиб борилади.

Хар икки хил суюлтиришда 2ғўнлик ва 2ғюзликлар 45% спирт ёрдамида суюлтирилади.

Б. Тритурациялар /порошокларни/ тайёрлаш фармакопеянинг 7ғпараграфи бўйича тайёрланилади. /20ғбет ДФ/

Гетероген суюқ система хосил бўлади. /б/у икки фазадан иборат. Харорат пасайган сари коацерват: желатиннинг микротомчилари ёғли дори модданинг атрофига маржон каби йиғилади. /в/ кейин улар қўшилиб кетиб, юпқа қобиқ сингари қоплаб олади.Олдин желатин қобиғи суюқ бўлади, лекин совутилади ва микрокапсула қотиб тайер бўлади. /г/ Na 42 0SO 44 0 сову± эритмасига /18-20 50 0C/ солинади фильтрлаб, микрокапсула ювилади. Na 42 0SO 44 0 тамоман ювилгандан сўнг қобиғи 78-80% сув сақлаш мумкин. Шунинг учун қуритилади /иссиқ қуритгич, адсорбентлар ёрдамида, спирт орқали еки хавода. Мураккаб коацервация усулида икки полимернинг салбий ва ижобий зарядлари ўзаро қўшилади ва рНи ўзгаради. Улар 1,II ва III компонентли бўлиши мумкин. 1-компонентлигида иккала полимер ҳам бир гуруҳли бирикмадан бўлиб /салбий ва ижобий зарядлари тенг миқдорда/ заррачалар амфотер/ учрайди ва салбий амфионлар ижобий амфионларга интилади. II-компонентли коацерватларда иккала полимер хар хил бирикмалар ва қарама-қарши макрокатион ва макроанионлари бор. Уларнинг ўзаро таъсири натижасида коацерватлар хосил бўлади. III-компонентли коацерватларда амфионлар /макрокатион, макроанион/ ва тузли эритмаларнинг микроионлари /катион ва анион/ иштирок этади. Мисол тариқасида II компонентли желатин ва гуммиарабик коацервати микрокапсула дори моддалар билан мураккаб коацервация усулини келтирамиз. 10% желатин эритмаси /рН 8,0/ ва 11% гуммиарабик эритмаси олинади.11% гуммиарабик эритмасида ёғли дори моддалар эмульгирланади. Аралашгич ёрдамида 50^0 ҳароратда икки суюқлик аралаштирилади ва рНи 6,5 гача эритмаси солинади. Шунда иккала полимернинг зарядлари қарама-қарши айланади. Сув ва сирка кислотаси қўшилиб рНи 4,5 гача пасайтиради. Шундан кейин желатин макрокатион гуммиарабик макроанионига таъсир этиб, коацерват томчилари ёғли дори модда ўраб қобиқ хосил қилади. 37% формальдегид эритмаси билан сув тортиб олинади. Қотиб қобиқ хосил бўлгач, 10^0Сгача харорат пасайтирилади ва рН 9,0 гача кўтарилади. Шунда қобиқ мустахкам бўлади. Микрокапсула қуритилиб, эланади. Кимёвий усул сув/мой фазаларини чегарасида полимеризация, поликонденсация реакциялари асосида микрокапсула олинади. Микрокапсула олиш усули танланиши-мақсадга, технологик жараёнини обориш имкониятига, дори моддалар хусусиятига ва полимер хоссаларига боғлиқдир.

Микрокапсулалар заводларда тайёрланиб уларни олиш физик-кимёвий, физикавий усулларга бўлинади. Бу усуллар доривор модда билан бир-биридан ажратиб туришга асосланган бўлиб, қобиқ кимёвий реакциялар ёрдамида полимерлаш ёки механик равишда қоплаш хисобига ҳосил қилинади.

Хозирги вақтда витаминли, антибиотикли, уйқу келтирувчи препаратлар билан юрак томир антигистаминли препартлар билан микрокапсула чиқарилади. Микрокапсула дори турлари порошок,

таблетка, эмульсия, осилма, суртма дори, спансула холида ва тўғри ичакка юборишга мўлжалланиб чиқарилмоқда. Шулар қаторида матога юпқа сурилган малҳамлар, микродраже дорилари диққатга сазовордир.

Нанокапсулалар микрокапсулаларни бир кўриниши бўлиб, хозирда хорижий мамлакат фармациясида қўлланила бошланди. Улар қаттиқ дори тури бўлиб, ядро қисми доривор модда ва қобиқ қисми мономолекулалар полимеридан ташкил топган. Уларни катта-кичиклиги нанометр ўлчовида ўлчанганлиги туфайли айримлари инъекция қилишда ишлатилади.

Микросфералар ҳам шу дори турлари гурухидан бўлиб, уларни тузилиши, дори моддаларни аниқ дозасини ажратиб чиқилиши, терапевтик концентрацияси бир меъёрда ушланиб туриши, яъни динамикасини "Olicard-40" retard капсулада кўриш мумкин.

Мисол тариқасида оликард-40 ретард, ўзида изосорбит-5 мононитрат доривор моддасини сақлаган ва узоқ давомли юрак ишемия терапиясида қўлланиладиган микросфера капсуласини келтирамиз. 25 соат давомида 1 капсула қабул қилинади, хеч қандай толерантлик чақирмайди ва юқори биологик сўрилиш даражасига эга. Расмга қаралсин.

Хулоса

Микрокапсулалаш жараёнининг асосий шартлари:

1. Микрокапсулалар олиш усулини танлаш асосан дори модданинг физик-кимёвий хоссасига /суюқ,қаттиқ/ ва қобиқ ҳосил қилувчи модданинг /желатин, МЦ, АФЧ/ поляр ва нополяр эритувчиларда эриши, тайёр махсулотнинг аввалдан мўлжалланган хоссага эга бўлишини таъминлашига/ иссиқлик, кимёвий реагентларга турғун, ошқозон мухитига чидамли ва таъсири узайтирилган/ боғлиқ бўлади.

2. Микрокапсулалар қобиғи эрувчан, эримайдиган ва ярим ўтказувчан хоссасига эга бўлиши мумкин. Таъсир этувчи модданинг ажралиб чиқиши қобиқ тўрига ва қалинлигига боғлиқ. Дори модда микрокапсуладан эрийдиган қобиқ биосуюқликда эриганидан сўнг, эримайдиган қобиқда эса диффузия йўли билан ажралиб чиқади. Ярим ўтказувчан қобиқда кичик молекулали субстрат /эритувчи модда/ микрокапсулалар ичига ўтиб, дори модданинг ажралишини таъминлайди.

3. Микрокапсулалар ўлчами уларнинг физико-механик хоссаларидан гранулометрик таркиби, сочилувчанлиги, зичлиги, сочилувчан зичлиги ва бошқаларни белгилайди.

4. Сувда яхши эрийдиган дори моддадан микрокапсула олиш жараёнининг асосий шарти- бу сувли муіитини ишлатмасдан, дисперсион муіит сифатида вазелин мойи, полимер эритмаси органик эритувчида /ацетон/эритилади. Ёғларда /мойларда/эрийдиган моддалардан микрокапсулалар тайёрлаш жараёнида дисперсион муҳит капсулага олинаётган моддани эритмаслиги ва полимер билан қўшилиб кетмаслиги керак, эритувчи модда дисперсион муіитга қараганда яхши учувчан бўлиши керак.

5. Учувчан эритувчини буғлатиш усули билан олинадиган микрокапсуллар ўлчами дисперсион муіитнинг қовушқоқлигига, полимер

эритмасининг концентрациясига, хароратига, полимер эритмасининг хажми, дисперсион мухит хажмига, мутаносиблигига ва айланиш тезлигига боғлиқ.

А Д А Б И Е Т Л А Р

1. Грядунова Г.П.,Козлова Л.М.,Литвинова Т.Ш. Руководство к практическим занятиям по заводской технологии лекарственных форм.-.:Медицина,1986,с.64-71.

2. Махкамов С.М.,Усуббаев М.У.,Нуритдинова А.И. Руководство к лабораторным занятиям по технологии лекарственных форм.-Т.Медицина,1989,с.223-231.

3. Ажгихин И.С. Руководство к практическим занятиям по технологии лекарств.М.:1977.

4. Берсенова Е.Л. Изучение свойства микрокапсул жирорастворимых витаминов .-Хим.фармац.журн.,1977,N-2,с.131-134.

5. ГФ IX - М.,1968.

6. Донцова Г.И.,Воронкова А.И.,Берсенова Е.Л.,Сурикова И.Г. и др. Разработка технологии микрокапсулирования масляных растворов жирорастворимых витаминов.-Хим.фармац.журн,1977,N-4,с.111-115.

* М А Ъ Р У З А

МАВЗУ: "ДОРИВОР МОДДАЛАРНИ ТАЪСИРИ УЗАЙТИРИЛГАН ДОРИ ТУРЛАРИ"

Маърузага ажратиган вақт - 2 соат.

Ўқитиш мақсади: Доривор модданинг таъсири узайтирилган спансула, структурали таблеткалар, полимер доривор пардалар таърифи, таснифи ва таъсир этиш механизми хақида маълумотлар бериш.

МАЪРУЗА РЕЖАСИ:

1.Таъсири узатирилган дори турларини таърифи, яратиш асослари

2.Спансулалар таърифи таъсир этиш механизми.

3.Структурали таблеткалар таърифи, турлари.

4.Доривор полимер пардалар таърифи, таснифи,тайерлаш асослари.

1.Таъсири узайтирилган дориларни таърифи, яратиш асослари.

Дори турларидаги доривор моддаларнинг таъсир этиш вақтини узайтириш масаласи катта амалий аҳамиятга эга, айниқса химиотерапия соҳасида. Чунки химиотерапияни самарадорлиги доривор модданинг қонда доимо терапевтик концентрацияси таъминланишига боғлиқ бўлади. Демак терапевтик концентрацияни таъминлаш учун маълум вақтдан кейин (суткада давомида бир неча марта) доривор модда қайта қайта истеъмол қилиниш лозим.

Бу эса хар ҳил ноқулайчиликлар туғдиради: хар хил ёрдамчи моддаларни танада киритилиши, кўп миқдорда препаратларни сарфланиши, касалга ҳам ортиқча ва қондаги таъсир этувчи моддани концентрацияси бир меъёрда бўлмаслиги (график жадвал). Ҳозир ишлатиладиган кўп дорилар камчилиги шундан иборатки, таъсир қилувчи модданинг миқдори танада узоқ вақт сақланмай, тезда ташқарига чиқиб кетади.

Қуйидаги расмдан кўриниб турибдики, касал дорини қайта қайта қабул қилганида ҳам у организмда бир хил мъерда даволовчи концентрация таъминланмайди. Яъни энг юқори даволовчи концентрация пастга тушиб, кейинги дорини ичганда яна юқорига чиқиб туради.**(Расм)**

Мана худди шу ходиса дорини даволовчи таъсирига салбий таъсир курсатади. Сил, лепра ва кўп бактериал ва вирус касалликларни даволашни фақат, қонда таъсир узоқ вақт сақланиб тургандагина амалга ошириш мумкин. Шунинг учун таъсир муддати узайтирилган дори турлари ишлаб чиқариш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Фармакокинетик таъсири олдиндан белгиланган дориларни яратишда, айниқса таъсири узайтирилган дориларни, микрокапсулалаш усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Танага берилган дориларни таъсирини узайтириш максадида микрокапсулалар тадбиқ этилди.

2.Таъсири узайтирилган давомли перорал дори турлари.

Таъсири узайтирилган перорал дорилар давомли дориларнинг асосий кисмини ташкил этади.

Спансула дори тури.

Спансула деб қопқоқли қаттиқ желатинли капсулани ичини майда микрокапсула ёки микродраже билан тўлғазилган дори турига айтилади. Спансуланинг таъсир муддатини узайтириш мақсадида қуйидагича йуналишда иш қилинади: қаттиқ желатин капсулани ичига маълум бир қисм микрокапсулаларни қобиқсиз солинади. Бу микрокапсулалар дори бошланғич таъсирини беради, яъни ичилгандан сунг таъсир қилувчи модда ошқозонда ажралиб чиқа бошлайди. Қолган иккичи қисми микрокапсулаларни хар хил қалинликда, турли таркибли қобиқ билан қопланади.

Бу билан эса хар хил вақт мобайнида таъсир этувчи доривор модда ажралиб чиқиш тезлигини таъминлаш мумкин. Қобиғнинг қалин юпқалигига қараб микрокапсула турли ранга бўялади. Сунгра

қобиғли ва қобиғсиз микрокапсулаларни маълум бир нисбатда аралаштирилиб қаттиқ желатинли капсулага солинади.

Спансулалар. Булар желатин капсулаларга жойлаштирилган микрокапсула ёки микродражелардан ташкил топган. Микрокапсулалар хар хил қалинликда эга бўлган қобиғдан ташкил топган капсулалар йиғиндиси бўлганлигидан бир вақтда эримасдан узлуксиз равишда кетма кет эриши билан сўрилиб дори моддданинг қондаги концентрацияси бир хилда ишлаб туради.

Кўпинча 3-4 турли микрокапсулалар бирлаштирилади ва бир желатин капсуланинг ичига солинади. Микрокапсулаларнинг 30-50 мкм атрофида бўлади. Кўпинча микрокасулаларни қоплаш учун мумли моддалар ишлатилади. Миколит-СНГ-карбонат литий микрокапсулаларни сақлайди.

Спансулаларнинг ичига фақат микрокапсула эмас микродражелар жойлашган бўлиши мумкин. Микрокапсулаларни ҳосил қилиш учун дражеловчи қозонга шакар кристалларини солиб, қанд шарбати билан намлаб доривор модда ердамида қобиқ ҳосил қилинади. Тайерланган микродражеларнинг бир қисми бирламчи доза сифатида ишлатиш учун олиб қуйилади. Икукинчи қисми қопловчи моддалар ёрдамида (глицерилмоностеарат билан асалари муми аралашмаси) хар бир микродражеларни бир биридан ажратиш осон бўлиш учун бир хил қалинликда бир хил бўёқ билан бўялади.

Структурали таблеткалар.

Ретард туридаги таблеткалар. Бу хилдаги таблеткалар ўз таркибилаги таъсир этувчи моддани бир суткали миқдорни сақлайди ва уни аста секинлик билан ажратиб чиқара бошлайди. Бу таблеткалардаги таъсир этувчи моддаларда микрокапсула ҳолда бўлиб, яни хар бир модда даражаси юпқа полимер қобиғига ўралган бўлади. Қандай полимер қобиғига ўралганига қараб бундай таблеткалар маълум pH шароитида эрийди. Ёки бўлмаса диффузия, ион алмашув, қобиғни ёрилиш хусусиятига қараб маълум вақтда эрийди. Бу микрокапсулаларни қаттиқ ёғ асоси билан пресслаб таблетка олинади. Бундай таблеткалар ошқозон ичак йўлидан ўтиб 16-18 соат мобайнида тўлиқ эриб кетади. Лекин у таъсир кучи билан 1 суткага етади. Масалан : нитронг-нитроглицерин микрокапсулаларидан тайерланган таблетка. Гемитон-ретард, миренил-ретард, сонопак-ретард, квилинорм-ретард.

"Дурула" туридаги таблеткалар

Ёки бўлмаса каркасли таблеткалар. Бу таблеткалар қаттиқ эримайдиган скелет асосида олинади-скелетли таблеткалар.Таъсир этувчи қаттиқ эримайдиган склет асосида пресланиб олинади. Склет материали сифатида ноорганик бирикмалар гипс, $Ca_3(PO_4)_2$, Ca_2HPO_4, титан оксиди ва органик брикмалар ПЭ, ПВХ ишлатилади. Бу бирикмалар таблеткада ғовак ҳосил қилади. Таъсир этувчи модда эса шу ғовак орасидан диффузия қонунига биноан меъда ичак ширалари ёрдамида ювилиб чиқа бошлайди. Бундай таблеткаларни шартли равишда

губкага ўхшатиш мумкин. Худди губкани ғовакларига таъсир этувчи модда жойлаштирилгандек. Бу таблеткалар ошқозон ичак йўлидан майдаланмай, яъни эримай бут бутунлигича ўтиб ўзининг дастлабки геометрик формасига ташқарига чиқади.

Кўп қаватли таблеткалар ёки драже дори турлари.

Бундай таблеткалар бир нечта қаватдан иборат. Масалан: Мексаза таблеткаси. Биринчи қавати ўз таркибида бромелин доривор моддасини сақлаб ошқозонда эрийди ва оқсилларни парчаланишида иштирок этади. Иккинчи қаватдаги панкреатин ичакнинг юқори қисмида эриб углевод, ёғ ва оқсилларни ҳазм бўлишида ёрдам беради. Учинчи қабатидаги таъсир этувчи модда мексаформ бўлиб, ичакнинг пастки қисмида эрийди ва антибактериал хусусиятига эгадир.

Лонтаб туридаги таблеткалар.

Бу комплекс таблеткалар бўлиб, қобиғ ва ядродан ташкил топади. Ташқи қобиғда таъсир этувчи модданинг бирламчи миқдори сақланиб, таблеткани ичгандан сўнг бир неча минут ичида ошқозонда эрийди ва танада дори модданинг даволовчи концентрациясини ҳосил қилади.

Ядроси эса дурула турида, яъни каркаслидир ва дори модданинг кейинги 2-нчи ва 3-нчи миқдорини сақлайди.

- ташқи қобиғ, бирламчи миқдорни сақлайди;
- 2 ядро, дори модданини доимий таъсир.

Дуплекс туридаги таблеткалар.

Бу таблеткаларни такрорий еки кетма-кетлик билан таъсир қиладиган дори турлари гурухига киритиш мумкин. Бундай таблеткалар доривор модданинг иккита миқдорини ўзида сақлайди. Бу икки миқдор ўзаро ҳимоя қобиғи билан бўлинган бўлади. Бир хил даво берувчи қобиғи билан бўлиб мана шундай таблеткалар олиш мумкин.

Бундай таблеткалар қобиқ ва ядродан иборат бўлиб қобиғи шакар биилан қопланади. Қобиғида таъсир этувчи модда дастлабки миқдори бўлиб, у ошқозонда эрийди. Кейинги қавати ҳимоя қилувчи ҳисобланиб, ядрони ошқозонда эриб кетишидан сақлайди. Ядро эса таъсир этувчи модданинг иккинчи миқдорини сақлайди ва ичак йўлида эрийди. Шундай қилиб бундай таблеткалар ўз таъсири кетма-кетлик билан хар хил вақт оралиғида олиб боради. Худди шу принципда узоқ вақт мобайнида таъсирини кўрсатадиган кўп қаватли таблеткалар олина бошланди. Мисол: Гастрипон дуплекс .

Полимер дори пардалари (пленкалари).

Сўнгги вақтда янги дори турларидан полимер дори пардалари ишлатишга таклиф қилинмоқда. Бу дори тури пайдо бўлишига сабаб фармация соҳасида янги бир гурух доривор полимерларни таклиф

қилиниб ва уларни хар хил дори турларини тайерлашда кенг ишлатилиши бўлди. Полимерлардан энг кенг ишлатиладиганлари бу синтетик ва табиий ПВП, ПВС, МЦ, ОПМЦ, ПАА.

Полимер дори пардаларни афзаллик томонлари:

- биринчидан дориларнинг дозаси аниқ бўлиши;
- иккинчидан доринининг барқарорлиги ҳамда таъсир муддати чўзилиши таъминланади;
- йўналтирилган узоқ вақт давомида ва бир хил тезликда таъсир этувчи моддани ажралиши таъминланади;
- кўз дори пардаларини стериллиги.

ПДП ишлатилиши бўйича умумий таъсир кўрсатиш ва махаллий таъсир кўрсатиш мўлжалланган бўлиш мумкин.

Улар тери устига епиштирилиши учун ёки ҳар хил шиллиқ пардаларни мўлжалланган бўлади. Ҳозирги вақтда фармацияда ишлатилаетган ПДП қўлланилиши қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. офтальмологик ПП
2. оғиз бўлшлиғига ўрнатиладиган ПП
3. ринологик ПП
4. дерматологик (тери устига)

Дориларни пардани ҳосил қилувчи полимер сифатида ПВС, ПВП, МЦ, ОКМЦ, ПАА ва шу кабилар қўлланилади.

Папирос чекишни ташлаш мақсадида ҳозирги вақтда анабизин гидрохлорид ва цитизинли ПДПлар ишлаб чиқарилмоқда. Булар шакли бўйича тухумсимон, катта-кичиклиги 9х4, 5х0, 5 мм ли тахтакач бўлиб, лунж шиллиқ қаватига ёпиштириб қўйилади. Шунингдек ўзида чакканда мой (облепиха) сақловчи коллаген асосида тайерланган парда "облекол"-яраларни даволашда ишлатилади. Бу 5х5 см еки 10х10 см ли бўлиб, ўзида 1г чаканда мойи сақлайди. Облекол яра устига қўйилганда у ўзидан яра сатхига секин-аста бир хил миқдорда таъсир этувчи моддани ажратиб туради.

Шуларнинг каторида куз полимер пардалари хам кенг қўлланилади: пилокарпин, атропин, флореналь ва х.к.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Иванова А.А. Технология лекарственньх форм, М.-1991.т.2,с.12-14.

2. Назарова З.А., Назиров З.Н., Туреева Г.М., Назирова Д.Н. Провизор технологлар учун дори турлари технологиясидан қўлланма, Тошкент, 1991, бет 217-219.

3.Кобринский Г.Д. Липосомы-транспортеры лекарств. М Знание 1989,вып 2 с "Медицина"
4. Антонов В.Ф. Липосомы. Применение в биологии и медицине. М71985.
5. Эргашева М.Ж., Темиров Б.С., Аминов С.Н. Изучение трансдермального переноса в составе липосом-Киме ва фармация, 1993,N6, 22-25 бет.
6. Акрамова Г.С. и др. Вопросы стабилизации липосомальных препаратов с антидиабетическим действием.-киме ва фармация,1993,N6 45-47 бет.
7.Кивман Г.Я., Гуляев А.Е."Преимущество липосомальных форм химиотерапевтических препаратов, перед обычными в действий на бактерии локализованные внутриклеточно"-Киме ва фарм журн. 1992 N6, с.4-8.
8. Чуешов В.И., Чернов М.Ю. и др. Получение липосом с различным лекарственными веществами и изучение их стабильности //Фармацевтический журнал, 1991, N3, с.68-71.

* **МАЪРУЗА**

МАВЗУ: ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ДОРИ ТУРЛАРИ. ПЕДИАТРИЯ АМАЛИЕТИДА ЮМШОҚ ДОРИ ТУРЛАРИНИ АЇАМИЯТИ.

Маърузага ажратилган вақт- 2 соат

Ўқитиш мақсади:Янги туғилган чақалоқларга мўлжалланган дориларга қўйилган талаблар,таърифи,технологиясини ўзига хослиги билан таништириш. Болаларга мўлжалланган юмшоқ дори турларини технологиясини кўриб чиқиш.

Маъруза режаси:

1.Янги туғилган чақалоқларга мўлжалланган дорилар таърифи, қўйилган талаблар
2.Янги туғилган чақалоқларга мўлжалланган дори турларининг техологиясини ўзига хослиги.
3.Педиатрия амалиётида қўлланиладиган юмшоқ дори турлари таърифи,технологиясининг ўзига хослиги

Янги туғилган чақалоқларнинг организмнинг анатомик ва физиологик томондан қуйидаги фарки бор.

1. Бу фарк тананинг микроорганизмларга сезгирлигида юқори бўлади,чунки ЯТЧ-нинг ва 1 ёшгача булган болани иммун системаси тўлиқ ривожланмаган.Шунинг учун уларга бериладиган дорилар микробиологик тарафдан тоза эмаслиги катта хавф тугдириши мумкин.(инфекция,пироген р-я ва х.к.)

2. Ундан ташқари дори таркибидаги микроблар таъсир этувчи модданинг физикавий-химиявий хусусиятларини ўзгартириш мумкин.(масалан захарли моддаларни пайдо бўлишига сабаб)

3.Фермент, гормонал системаси ва гематоэнцефалик тўсиқ тўла ривожланмаганлиги учун ва бошка физиологик тарафдан фарқ борлиги ЯТЧ учун мўлжалланган перорал дориларга консервант, стабилизаторлар қўшиш тавсия этилмайди, чунки салбий таъсири бўлиши мумкин.

4. ЯТЧ- нинг тери тузилиши ўзига хос бўлиб, юқори даражада сўриш кобилиятига эга (нозик ва юпка) шунинг учун сиртга ишлатиладиган дориларда / айникса сепма, суртма ва х.к./ микробиологик тарафдан тозалигига юкори талаб куйилади ва "Б" гурухига кирадиган моддани ишлатилиши эхтиётлик билан олиб борилиши керак.

Юкоридагиларни хисобга олган холда бу гурухдаги болага мўлжалланган дориларни тайёрлашига алохида эътибор берилади. Бунинг учун қуйидаги талаблар буйича тайёрланиши шарт./ 195 сонли буйруқ/.

1. ЯТЧ га мўлжалланган ҳамма дорилар асептик шароитда тайёрланиши зарур.

2. Ичишга мўлжалланган эритмалар оғирлик ҳажм усулида тозаланган сувда тайёрланади, асептик шароитда консервант ва стабилизаторлар қўшмасдан эритмалар резинали қопқоқлар билан "под обкатку" бекитилади ва 195- буйрук буйича стерилланади.

3. Ичиш учун ЯТЧга мўлжалланган эритмалар флаконлар очилгандан кейин дархол ишлатилиши лозим ва уларни саклаш мумкин эмас. Шунинг учун эритмалар 1 марта ичиладиган ҳажмда тайёрланиши лозим./10-20 мл./

4. 200 мл гача бўлган хажмда айрим пайтда бериш мумкин, агар эритмани дархол бир неча болага бўлиб ишлатилиш учун мўлжалланган бўлса.

5. Хамма тайёрланган дорилар тўлиқ тахлил қилиниши шарт.

6. Дорихоналарда ЯТЧга мўлжалланган эритмалар касалхона бўлимларига алоҳида ажратилган, белгиланган /маркировка/ қилинган ва ҳар доим ювилиб ва дезинфекция қилинадиган /идишларда,тараларда/ берилиши лозим.

7. Амбулатор рецептлар бўйича ичиш учун эритмаларни ЯТЧ учун дорихонада 100 мл гача бўлган ҳажмга берилади ва очилгандан кейин 2 суткагача музлатгичда /холодильникда/ сакланади.

II. Айрим дорилар технологияси

Болаларга (янги тугилган болаларга чакалоклар)га мўлжалланган дориларининг 70 % extimpore рецептура ва дорихона шароитида тайёрланиши лозим. Факат 30% гина тайёр махсулот сифатида бўлади. Шунинг учун бу муаммо долзарб ва мухим. ЯТЧ - га мўлжалланган дорилар технологиясини батафсил ўрганиш лозим.

Дори турлари куйидаги гурухларга булинади:

1. Ичиш учун мўлжалланган дорилар /Эритмалар,микстуралар, порошоклар, сувли ажратмалар, томчилар./

11.Сиртга ишлатиладиган дори турлари /эритмалар, сепмалар, ёғлар, суртмалар, шамчалар, кўз томчилари/

111.Инъекцион дори турлари.

1.Ичиш учун мўлжалланган дорилар.

Шу гурухдаги дорилардан энг тарқалгани бу ичиш учун мўлжалланган эритмалар. 195-чи буйрукни 2-чи иловасида шу эритмаларнинг тайёрлаш технологиясини ўзига хослиги келтирилган.

Айримларини кўриб чикиш керак:

1. Глюкоза 5,10, 25 % - ичиш учун мўлжалланган. Тозаланган сувда глюкозанинг керакли миқдори эритилади ва фильтрланади, сўнг шиша идишларга 10-20 мл қуйилиб беркитилади ва стерилланади 120^0 С - 8 мин.

2. Аскорбин кислотасини 1 % ли эритмалари. Аскорбин кислотани керакли микдори тозаланган, янги кайнатилган сувда эритилади, фильтрланади, идишларга беркитилиб 100^0 Сда - 30 мин.давомида стерилланади. Флаконлар тўлдириб қуйилади, сақлаш муддати 5 кун.

3.Микстуралар : Олинг: Натрий бензоат 2 % - 300 мл.
Натрия гидрокарбонат 6,0
Қанд шарбати 30 мл.
А.Б.Б. 1 чой кошикдан 3 махал 1 йиллик болага

Бу таркибни асептик шароитда тайёрлаш керак. NaHCOз ч.д.а. ёки х.ч. навли бўлиши керак, қанд шарбати - янги тайёрланган бўлиши лозим. Алохида 2 та дори тайёрланади:

1.Натрий бензоат
Натрий гидрокарбонат аа 6,0
Сув - 180 мл гача

11.Канд шарбати - 30 мл.
Сув - 120 мл.

120 ^{0}С- 8 мин. стерилизация килинади, эритмалар ишлатишдан олдин бир-бирига қуйилади.

2. Сиртга ишлатиладиган дорилар.

Эритмалар: /$KMnO_4$, H_2O_2 , колларгол, фурацилин, этакридин лактат, / ёғлар/ шафтоли, кунгабоқар, вазелин/, сепмалар, суртмалар ҳам асептик шароитда тайёрланади ва физикавий-химиявий хусусиятларига кўра стерилланади, агар термостабил бўлмаса $KMnO_4$, H_2O_2 колларгол эритмалари стерилланган сувда тайёрланади, чунки термолабил .
Ёглар: 180^0С - 30 мин. давомида қуритгич шкафларида 30 г. дан шиша идишларга ва ИР - 21 навли резинка пробирка ва алюмин копкоклари билан беркитилган холда стерилизация қилинади.

3. Сепмалар ҳам кенг қўлланилади.
Сепмалар тайёрлашда хам микробиологик тозаликка риоя килинади, яъни асептик шароитда тайёрланади. Моддалар тортилади, майдаланади (subsillismus)ДФ талабига биноан (19 бет) стерилланади. 10 граммдан стерилланган шиша идишларга солиниб биксларда180^0С-30 дақ., 200^0С- 20 минут давомида хаво стерилизаторларида стерилланади (дерматол, ксероформ сепмалари). Идишлар беркитилади (резинали пробка ва алюмин қопқоқ билан) ва 15 кун сакланади.

4.Кўз томчилари.
Кўз томчилари хам стерил бўлиши шарт. Айникса хар бир ЯТЧ кўзига томизиш учун. Умумий коидалар бўйича бўйича тайёрланади.
Мисол : 30% -Сульфацил Na куз томчилари :
Сульфацил натрий
натрий тиосульфат
0,1 М хлорид кислотаси
120 С - 8 дакика стерилланади.

5. Инъекцион эритмалар

<u>ЯТЧ лар амалиётида қўлланиладиган шамчалар.</u>

1.Юмшок дори турларида болалар амалиётида ректал дорилар (шамчалар, капсулалар, ректиолалар, клизмалар) ва суртмалар, кремлар, линиментлар ишлатилади. Улар 10 % атрофида рецептурада учрайди. Хозирги пайтда болаларга мўлжалланган дориларнинг умумий хажмида ректал дориларнинг миқдори ўсиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Чунки ректал дориларини ўзига хос болалар амалиётида ижобий тарафлари бор: бу дори турларида бериладиган дориларнинг:
1) айрим қўланса ҳидли ва ёқимсиз мазали дориларнинг ҳид ва таъми билинмайди,
2) танага тезроқ шимилади, натижада тез таъсир кўрсатади,
3) оғрик муаммоси ечилади,
4) аллергик реакциялар камаяди.

5) айрим ошқозон ичак шиллиқ пардаларини яллиғловчи препаратларни ректал дори турларида берилса салбий таъсири бўлмайди.

Хозирги йилларда таркибида иситма тушурувчи анальгетик, спазмолитик, аллергияга қарши таъсирга эга бўлган дорилар ва гормонал препаратлар сакловчи шамчалар таклиф қилиниб ишлатилмокда. Айниқса бронхиал ва бошка нафас йўллари касалликларини даволашда қўлланиладиган дориларни р.д.т. бериш жуда қулай, чунки перорал йули билан истеъмол қилиниши қийин бўлади.

Ҳозирги пайтда болаларга махсус мўлжалланган шамчалар таклиф қилиниб, фармацевтика саноатида ишлаб чиқилмокда.

Технологик тарафларни кўриб чиқиш.

Шамча дори турида бериладиган дориларни терапевтик таъсири албатта олинган асосга боғлиқ бўлади. Асослар иккита гурухга бўлинади: гидрофоб ва гидрофил. Технологик ва биофизик томондан ва боланинг организмини ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда болалар амалиётида ишлатиладиган шамчаларга факат сувда эримайдиган асослар тавсия этилади, чунки сувда эрийдиган асосларнинг нозик болалар туғри ичак шиллиқ пардаларига тўғри келмади. Шунинг учун ҳозирги пайтда болаларга мўлжалланган шамчалар учун какао мойи, витепсол, какао мойининг гидрогенизатлари ва парафин билан аралашган асос, ланоль, ГХМ - 5Т асослари тавсия этилади.

Масалан ҳозирги пайтда туберкулез касаллигини даволашда ишлатиладиган салютизон, фтивазид, изониазид препаратларининг шамчалари ишлаб чикилган- максад - салбий таъсирини камайтирадиган биологик фаоллигини ошириш учун. Салютизон 0,05 граммли шамчалари гидрогенизацияланган ёглар (50 %) ва какао мойи (30%) ва парафин (10%) иборат бўлган асос ёрдамида тайёрланган. Фтивазид шамчалари - ланоль, изониазид шамчалари - какао мойи асосларида тайёрлаш максади мувофикдир.

Болалар амалиётида стероид гормонларни ва витамин препаратини шамча дори шаклида бериш долзарб. Масалан В авитаминозларни даволашда фосфотиамин (тиаминнинг фосфор эфири) таблетка ўрнига шамча сифатида бериш тавсия этилади (витепсол асосида). В ва В витаминларни хам шамча дори турида ишлатиш максадга мувофиклиги кўрсатилди. Ундан ташкари шамчалар факат умумий таъсир кўрсатиш маҳаллий таъсирга эга бўлган бўлади. Уларнинг таркибида сув эримайдиган асос /к.м./ CO_2 ажратиб чиқарадиган аралашма /$NaHCO_3$ ва кислота аскорбинкали ёки лимон CO_2 газ ажралиб чикиб, таъсирини таъминлайди.

Масалан: ФЕРРОЛАКС шамчалари

Таркиб: $NaHCO_3$ - 0,05
Темир лактат 0,08
Аскорбин кислотаси 0,01
Какао мойи 2,0

КАЛЬЦИЛАКС шамчалари

Таркиб: $NaHCO_3$ - 0, 20
Кальций лактат 0,10
Аскорбин кислотаси 0,05
Какао мойи 2,0

Қуйиш усули билан тайёрланади. Таъсири 10-15 дакикадан сўнг намоён бўлади.

Масалан: ҳозирги пайтда туберкулёз касаллиги даволашда ишлатилган солютизон, фтивазид, изониазид препаратларини шамчалари турида бериш қулай, чунки уларнинг салбий таъсири камаяди. Шунинг учун болаларга мўлжалланган салютизон 0,05 % ли шамчаси - гидрогенизат ёғлар ва какао мойи (парафин 60% аралашмасидан иборат) бўлган асосда тайёрланган гозалидон (интерферон индуктори) дан ГХМ 5Т асосида болалар шамчалари ишлаб чикилган (кафедрамизда)

Болалар амалиётида стероид гормонларни ва препаратларни шамчалар шаклида бериш мақсадга мувофиқдир. Охирги йилларда ректал дориларнинг ишлатилиш ҳажми ўсиб бормокда (3,4%- 17% гача1990 йил). Бир ёшгача бўлган болалар учун эса чет элда Р.Д.Р.40% ташкил этади.

Ректал дорилардан болалар амалиётида шамчалар, ректал капсулалар, ректиолалар, клизмалар, ректал суртмалар ишлатилади.

Ҳозирги пайтда қуйидаги махсус болалар учун шамчалар ишлаб чиқилмокда:

ШАМЧАЛАРНИНГ НОМЕНКЛАТУРАСИ

1.Спазматик шамчалар: атропин сульфат билан: эфедрин г/х: папаверин г/х келлин:
теофиллин сакловчи моддалари. " Ректосептал", "Келледрин". "Кобедоз", "Кинетозин"

2.Пирозолон, барбитуратлар, кофеин, салицилатларни сакловчи шамчалар: "Гибальгин". "Донозон". "Мелиобол". "Неопирин".

Болалар шамчаларининг ўзига хос томонлари - бу уларнинглари ўлчамлари ва оғирлиги Х1ДФ кўрсатмаси бўйича оғирлиги 0,5 - 1,5г бўлиши керак ва албатта врач томонидан 1 шамча - оғирлиги рецептда кўрсатилиши лозим. Шамчаларнинг ижобий томонларини хисобга олган холда хозирги замонда уни такомиллаштирилган шаклларидан бири бу ректал капсула, ва ректиолалар. Ректал капсулалар - бу желатин ва глицерин аралашмаларидан тайёрланади. Желатин (64-70%) ва глицерин (30 - 36 %) тайёрланган ва суспензия, эмульсия, пастасимон ёки суюкликларни жойлаш учун мўлжалланган майда идишча- гилофлардир. Уларнинг афзаллик томонлари шундан иборатки, уларда шамчага нисбатан ёрдамчи модданинг миқдори кам, сақлаш шароитлари унга чекланмаган ва иссиқ иқлимга эга бўлган мамлакатларда ишлатиш қулай. Кўриниши ноксимон, конуссимон, тухумсимон ясалади. Болалар амалиётида ишлатиш жуда хам қулай.

Педиатрия амалиётида антибиотиклар, анальгептиклар, транквилизаторлар, члантирувчи, спазмалитик таъсирга эга булган

ректал капсулалар. ишлаб чикарилади. Чаканда мойини (0,55г) сакловчи ректал капсулалар қўлланилади. Ректал капсулалардан ташқари болалар амалиётида ex tempore тайёрланадиган клизма дори турини ишлатиш тавсия этилади. Бу усул даволашнинг қадимий тури булиб ҳисобланади, лекин ҳозирги вақтда хам ўз аҳамиятини йуқотмаган. Болаларга сувли, совунли, глицеринли, ёғли клизмалар ва таркибида рентгеноконтраст моддалар гормон, спазматик (теофиллин) препаратларни (новокаин, хлоралгидрат) кенг қўлланилади. Хозирги йилларда чет элда болалар амалиётида ректиолалар кенг ишлатилмокда. Бу дори турлари ректал пипеткалари ёки микроклизмалари деб хам юритилиб, 3-5 мл хажмли пластмассадан ясалган эластик идишчалардир. Унинг ички қисмига суюқ доривор моддалар жойлашган бўлади. Бир марта ишлатишга мўлжалланган бўлади. Керакли вактда идиш хам куч билан сиқилганда унга ўрнатилган найча оркали суюқлик ташқарига чиқади. Ректал капсулаларнинг афзаллик томонлари: узок муддат сақлаш имкониятини, шамчаларга кўра тезроқ таъсир кўрсатиши, ишлатилиши нисбатан гигиениклигидир. Дозаси аниқ бўлади, ишлатилиши қулай. Ректиоллар таркибида хлоралгидрат, гормонлар, барбитурат ва ҳар хил сурги моддалари киритилган бўлади.

Ректал суртмалар болалар амалиётида умумий ёки маҳаллий таъсир кўрсатиши аҳамиятига эга. Ректал дорилардан ташқари болалар амалиётида суртмалар кенг қўлланилади. Боланинг териси тузилишини ва физиологиясини ўзига хослиги ҳисобга олинади. Уларга таклиф килинаётган суртмаларни тайёрлашда олинаётган асосга аҳамият берилади. Масалан: вазелин ва ланолин таркибли асос унга тўғри келмайди (вазелинодермотитлар). Шунинг учун уларга ва янги туғилган чақалоқларга эмульсион ва гидрофиль асосларни ишлатиш тавсия этилади.

Масалан антигистамин препаратлари сақлаёдиган болалар учун суртмаларни гидрофил асосда: таркибига ПЭГ, пропиленгликоль, сорбитанинг монопельпитати (спенио) ва сувдан иборат булган асос ишлатиш тавсия этилади. Ундан ташқари болани терисини нозиклигини хисобга олган холда шуни айтиб ўтиш керакки суртмалар таркибига терини газ - ҳаво алмашишига тўсиқ бўладиган, терини қуритадиган хусусиятга эга моддани киритилиши чекланган бўлиши шарт.
Мисол: танин суртмаси 1 % . Масалан асос компонентлари сифатида ПЭГ -300 ва 4000, цетил спирти, моноолеат, твин-80 ва сув бўлиши мумкин. Улар юмшоқ консистенцияга эга бўлади ва боланинг нозик терисига енгил суртилади.

Суртмаларнинг педиатрия амалиётидаги аҳамияти, ўзига хос тарафлари ва ишлатиладиган асослар

Сиртга ишлатиладиган юмшоқ дори турлари орасида педиатрия амалиётида суртмалар кўпроқ жой эгаллайди. Болалар терисини тузилиши

ва физиологияси катталар терисидан фарқ қилади. Болалар учун суртма ва суртма асосини таркибини мос келиши илмий жиҳатдан асоланиши керак. Болаларнинг терисини нозиклигини ҳисобга олган ҳолда, уларга мўлжалланган суртмаларни эмульсион ва гидрофил асосларда тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Эмульсион асослар. Бу асослар мойнинг сувдаги ёки сувнинг мойдаги эмульсияларини ҳосил қилади. Улар теридан сув билан осон ювилиб, ўзида эриган моддаларни тез ажратиш хусусиятига эга. Бу асосдан суртмалар тайёрланганда кам ёғ сарф бўлади ва суртмалар арзонга тушади.

Эмульсион асослар суртма таркибидаги дори моддасининг тез вақт ичида теридан сўрилишини кучайтириши, бу асосларга қайта қизиқиш уйғотади. Бу асос таркибидаги эмульгатор-САМ борлиги билан тушунтиради.

Одатда ҳар-хил эмульгаторлар: - ланолин, эмульгатор Т-2, эмульгатор N1, твин-80, спенлар, цетил спирти қўлланилади. Улардан эмульсион консистент асоси Т-2 эмульгатор таркибли асос суртмалар технологиясида кенг қўлланиладиган асослар қаторига киради ва олтингугурт, калий йодид, амиказол, скипидар суртмалари учун бу асос стандарт ҳисобланади.

Охирги йилларда ўзимизнинг республикамизнинг заҳираларидан олинадиган эмульгаторлар ёрдамида тайёрланган эмульсион асослар тавсия этилган. ПГС номли эмульгатор, пахта чиқиндисидан олиниб, эмульсион асос таркибига киритилган ва физик-кимёвий ва структур-механик ҳоссалари бўйича бу асос ДФ XI синиг талабига жавоб беради. Қатор илмий тадқиқот натижалари бўйича, шу асосни суртмаларга киритилган дори моддаларни биосамарадорлигини ошириши тасдиқланган.

Болаларга суртма асос сифатида полиэтиленгликоль 300 ва 4000, цетил спирт, моноолеат, полиоксиэтиленланган сорбитан (Твин-80) ва сув аралашмаси таклиф этилган.

Бу суртма асос қониқарли структур- механик хусусиятга эга. Терига осон суртилади ва сақланишда гомогенлик ва турғунликка эга. Клиник текширувлар суртма асосини янги туғилган чақалоқларда профилактика мақсадида қўллаш мумкинлигини тасдиқлади. Шу таркибли асосда 10% поливинилбутанол эфирининг суртмаси дерматитни ва пиодермияни даволашда ишлатилади. Болалар тери касалликларини даволашда қўлланиладиган суртмаларни тайёрлаш учун қуйидаги асосларни қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Гидрофилли таркибига полиэтиленгликоль, пропиленгликоль, монопальмитат сорбитат (спен-40) ва сув киритилган асос;

2. Липофилли таркибида цетил спирти, ланолин, оқ мум, стеарин, канакунжут ёғи, спермацет сақловчи асос;

3. Эмульсион асос пропиленгликоль, полиэтиленгликоль, цетил спирт, ланолин, вазелин, спермацет, моностеаратполиоксиэтилли сорбитан (Твин-60) ва сувдан иборат бўлган асос.

Бу асосларда антигистамин препаратлар, прометазин гидрохлорид, фенирамин ва турли хил стабилизаторлар киритилган суртмалар клиник тажрибаларда ўрганилди.

Эмульсион асослардан ташқари гидрофил асослар ҳам катта аҳамиятга эга. Улар мойсиз ёки сувда эрувчан асослар деб, ҳеч қандай доғ қолдирмайдиган асосларга айтилади. Буларга қуйидаги асосларни киритиш мумкин. Желатина-глицеринли асос желатина (1-3%), глицерин (10-20%) ва сув (70-80%)дан иборат. Уни тайёрлаш учун желатинани майдалаб сувда 3-4 соат бўктирилади. Сўнгра глицерин қўшиб, бир хил масса ҳосил бўлгунча сув ҳаммомида иситилиб аралаштирилади. Бу асос терига яхши шимилади ва сув билан тез ювилади. Бу асос керакли вақтда тайёрланади, чунки у тез бузилади. Целлюлоза ҳосилалари ёрдамида олинган асосларни ҳам ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Гидрофил асослар гуруҳига юқори молекулали углевод ва оқсилларни геллари, синтетик ЮМБ, ноорганик моддалар киради. Юқори молекулали углевод ва оқсилларни олиш манбайлари крахмал, целлюлоза эфирлари, желатин, коллагенлар ҳисобланади. Целлюлоза эфирларидан метилцеллюлоза (МЦ) ва натрийкарбоксиметилцеллюлозалар (Na КМЦ) асослар сифатида кенг қўлланилмоқда. Шуни айтиш жоизки, 5-7% МЦ ни ёпишқоқ, структуралашган гели кенг қўлланилмоқда . МЦ ни эритмаси қуриб қолганида тери юзасида мустаҳкам қобиқ ҳосил бўлади. Шу сабабга кўра ҳам уни технологияда ҳимоя малҳами сифатида қўллаш чуқур тарқалган. Баъзан МЦ ни қуриш жараёнини секинлаштириш мақсадида унга глицерин қўшилади. Шундай асосга мисол: МЦ дан 6 қисм, глицериндан 20 қисм, сувдан 74 қисм. Асос нейтрал реакцияга хос бўлиб рангсиз, эластик гель кўринишида бўлади. Узоқ сақлашга чидамли. МЦ ни гели физико-механик хоссалари ва биофармацевтик кўрсаткичлари жиҳатидан 1% ли этацизин суртмасини тайёрлаш учун жуда мос келади.

Na КМЦ ни 4-6% сувли эритмалари кўпроқ қиздириб тайёрланади. Баъзан унга глицерин қўшилади. Бу ҳам худди МЦ сингари нур ўтказувчан, рангсиз асос. Лекин булар ишқорий муҳитда (pH 6,5-8,0) тери эпидермиси ишқорий муҳитини ўзгартириши мумкин ва буни Na КМЦ ни гелидан суртма тайёрланаётган маҳалда ҳисобга олиш керак.
Шуни назарда тутиш керакки, МЦ ва КМЦ лар баъзибир доривор моддалар билан мос келмайди: резорцин, танин, йод эритмаси, оғир металл тузлари ва ҳ.к.

Na КМЦ ни сувли гели билан фойдаланиб ПНЕЖК маҳаллий анестетик ПУ 4/13, нитроксолин моддалари суртмаларини тайёрлаш тавсия этилади. Na КМЦ гели липофил асослардан фарқли ўлароқ, юқори осмотик фаолликка эга бўлиб, буни ҳисобига улар яра ажралмаларини бўктириб, ярадан некротик массаларни кўчиб кетишини амалга оширади ва ярани тозалайди.

Амалиётга тадбиқ этиш борасида асосларни коллаген гели устида катта ишлар олиб борилмоқда. Коллаген кукуни паст ҳароратли

диспергирланиб олинади, уни 2-3% миқдорида сув билан аралаштирилади ва шунда ёпишқоқ рангсиз гель ҳосил бўлади. Уни асос суртма сифатида қўллаш мумкин. Коллаген асослари сўрилишни оширади, жароҳатланган тўқималарни регенирация жараёнини стимуллайди.

Синтетик юқори молекулали бирикмалари орасида асосий вакиллари бўлиб, полиэтиленоксид (полиэтиленгликол) ҳисобланади. Суюқ, ёпишқоқ ва қаттиқ ПЭО ларни эритиш йўли билан керакли консистенцияга эга асослар олинган. Бу асосларга катта эътибор ва амалиётга кенг тарқалиши, уларни кўп яхши тарафлари билан тушинтирилади.

ПЭО сувда ва бошқа қутбли эритувчиларда эрийди, теридан ва чойшабдан осонгина ювилади. Улар ёруғликка, ҳароратга ва намликка чидамли бўлади, pH ўзгаришига ва электролитлар киритилишига жуда сезгир бўлади. Таркибидаги бирламчи гидроксил гуруҳлар ҳисобига бактериоцид таъсирга эга ва шуни эвазига микроблар билан мулоқатлашмайдилар. ПЭО осмотик фаолликга эга. Жарроҳликда, айнан йирингли инфекцияли яраларда қўллашда суртмалар учун истиқболли асос бўлиб, ПЭО-400 ни 70 қисмли эритмаси ҳисобланади. Натрий хлоридни 10% эритмасидан бу гель осмотик активлиги 20 маротаба устун. ПЭО-400 ни гидратловчи хусусияти асосий компонентлар комплекс полимерни ва водород боғлари ҳисобига сув орасидаги ҳосил бўлувчи бирикмалар билан тушинтирилади. Полиэтиленоксидлар абсорбцион ва эмульсион асослар ҳосил қилиш мақсадида қўлланилиши мумкин. Кўпгина муаллифлар текширувлари натижасига кўра ПЭО асос нитроксолин, ПЭО-1500 ва ПЭО-400 лар мажмуасини 1:1 нисбатда ПНЕЖК суртмасини тайёрлаш учун тавсия этилган ва ПНЕЖК суртмадан ажралиб чиқиши ва терапевтик таъсир этишини амалга оширади.

ПЭО-400 суртмадан бутадион ажралишини жуда яхши амалга оширади. Полиэтелиноксидларни камчилигилари фенол, кумуш тузлари, симоб, йодид, танин, резорцинлар билан мос келмаслигидир. Дегидратловчи хоссалари билан улар шиллиқ қаватлар қуришига, қитиқловчи ва ачитувчи асоратлар чақириши мумкин.

Ноорганик бирикмали юмшоқ гелларни асосий вакиллари бўлиб минерал-бентонит асоси ҳисобланади. Уни табобатда қўлланилиши узоқ тарихга эга. Уни меъда ичак йўллари касалликларида, компресс сифатида қўллашган.

Бентонит (Bentonitum)- анорганик полимер. Минерал кристалл тузилишли 0,01мм дан ҳам кичик катталикда учраб, жуда мураккаб таркибга эга.

Юмшоқ лой кўринишидаги минераллар ўз таркибига 30% алюминий оксидини, кремний, магний,темир ва сувни олади. Таркибидаги K, Na, Ca, Mg лар катион ҳисобланади ва шу сабабли улар ионалмашинувчи реакцияларга ҳам киришади. Бу уларни физико-кимёвий хусусиятларини бошқаришда ва модификациялашга бентонитлар деб аталувчи тузилмалар олишда ёрдам беради. Бентонитлар сув билан ўзаро фаол таъсирланади. Лойсимон минераллар заррачалари гидрат қобиқлар ҳосил

бўлгач, сувни ўзида мустаҳкам ушлаб туриши ва унда бўкиши мумкин бўлади, шу билан уларнинг ҳажми анчага катталашади. Энг кўп бўкиш хусусиятига бентонитларни 17 маротабагача катталашадиган натрий тузлари эга. Калций тузлари 2,5 маротаба катталашади. Булардан кўра полисинтетик бентонитлар -тризтаноламин-бентонит(20-23 маротаба) катталашади. Бентонитлар биологик зарарсиз. Бентонитларни дори моддаларга индиферентлиги, уларни бўкиб шишиши, желе ҳосил қилиш имкониятлари ҳисобига кўп дори шакллари, жумладан суртма, таблетка, кукунларни ташқи ва ичишга қўллаш учун тайёрлашда кенг қўлланилади. Бентонитлар дори моддаларга юмшоқликни, дисперслик(осон парчаланиш)ни, юқори адсорбцион хусусият, осонликда ажратиш ва турғунлик бахшида этади. Бентонитли гель терида енгил тақсимланади, лекин тез қуриб қолади. Буни камайтириш мақсадида унга 10% гача глицерин қўшилади. Бентонит асосни таркибига 13-30% бентонит, 10% глицерин, 70-77% сув киритилиш мумкин. Бентонитли асос ўзини юқори кимёвий индиферентлиги, эмульсияловчи хоссалари, тери эксудатларини яхши ютиши, ёмон ҳидни бартараф қилиши билан фарқ қилиб туради.

Бентонитларга сув қўшиб, уни тез гелга айлантириб, кукун ва таблетка шаклида қуруқ концентратларни тайёрлаш мумкин. Бу жуда қулай. Салицилат суртмаси, стрептоцид, дерматол ва бошқа дори моддалари асоси сифатида ёпишқоқ- юмшоқ, 7% тиха-асканни сувдаги суспензиясини ўзи билан намоён қиладиган "асканкол" таклиф қилинган. Тиха-аскан асосида модификациялаштирилган прополис моддасини гидрофоб фенолли препарати билан ҳимоя пастаси тақдим этилган. З.А.Назаровани ўз сафдошлари билан ўтказган текширувлари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон республикаси Тамдытау қазилмаларидан олинган бентонит тупроғини қўллаш истиқболлигини исботлади. Республикамизни бентонит лойлари ҳамма физико-кимёвий ва структура-механик хоссалари бўйича фармакопеядаги бентонит лойларига мос келади ва тайёрланган суртмалар юқори биосамародорликга эга.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Технология лекарственных форм.Под.ред. Кондратьевой Т.С., М., "Медицина".
2. Усмонов Х.Х. Создание и исследование детских суппозиториев с витамином В.// Фармация - 1991.№ 1, - 21-24.
3. Соллогуб Л.В. Детские лекарственные формы и требования к ним // Фармакол. и фармация. 1991, № 21, 12-15 с.
4. Под. Ред. Тенцовой А.И. Возрастные лекарства // обзор инф.сер. Фармакол.и фармация. 1983. №-1,80с.

5. ЛИ В.Н.,Соболенко А.К. Исследование качества суспензионных мазей, изготовленных на основе вазелина // Фаркология , 1990. №-4.33-35с.
6. Будукова Л.А.Лекарственные формы для новорожденных детей. //Фармация 1987. №-2. С.12-15.
7. Кондратьева Т.С. Биофармацевтические исследования детских суппозиториев с фосфотиамином // Фармация.1990 -№-5.14-16.
8. Назарова З.А. ва бошкалар шамчаларини таркибини ва технологиясини мутадиллаштириш. // Кимё ва фармация. 1999 -5 б. 19-22

***МАЪРУЗА**

МАВЗУ "ГЕРИАТРИЯ АМАЛИЁТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ТУРЛАРИ"

Маърузага ажратилган вақт - 2 соат

Ўқитиш масади: Гериатрия амалиетида қўлланиладиган дори турлари таърифи, қўйилган талаблар ва технологиясини ўзига хос тарафлари билан таништириш

Маъруза режаси:

1. Махсус қариялар (гериатрия ёшидаги касалга) дори турларини яратиш зарурлиги.
2. Қарияларнинг фармакотерапиясининг ўзига хослиги.
3. Гериатрия амалиётида ишлатиладиган дорилар таърифи.
.

"Гериатрия" - бу тиббиётнинг бир сохаси. Унинг асосий вазифаси - қариш механизмни ўрганиш ва қариялар ёшидаги касалликларнинг профилактикасини, ривожланишини ва даволанишини ўзига хослигини ўрганиш. Гериатрик дориларни яратиш - бу долзарб муаммолардан бири деб ҳисобланади, чунки ижтимоий томондан хозирги вақтда ўртача ҳисобла хар юзта ишлаётган одамларга ўттиз нафара ёшидаги тўғри келади.

1. Зарурлиги ва дорилар фармакологиясининг ўзига хослиги. Қариш давомида одамнинг аъзоларида ва тизимларида кўп ёки кам бўлсада одамнинг ёшига боІлиғ бўлган ўзгаришлар содир бўлади. Масалан, улардан асосийлари: ўртача 20% гача хаётий муҳим бўлган тана аъзоларининг вазни (жигар, юрак) камаяди. Лекин бунга қарамасдан ёғларнинг миўдори ўртача 10-20% кўпаяди. Шу ўзгаришлар дориларнинг оддий дозаларда берилганида қондаги белгиланган миқдоридан юқори бўлган концентрациясини хосил бўлишига олиб келиши мумкин.

2. Танада тарқалган сув миқдори ўртача 10-15% камаяди, айниқса 75 ёшдан кейин эса бу сон 18-20% гача бўлади. Ундан ташқари хужайраларининг таркибидаги сув миқдори анча камаяди. Шу ўзгаришлар дори модданинг организмда тўла тарқалишига йўл қўймайди, айниқса сувда эрувчан препаратларнинг фармакокинетикаси ўзгариши мумкин. Ундан ташқари ошқозон-ичак ширaларининг ишлаб чиқарилиши пасаяди. Бу айниқса, ошқозондаги кислота муҳитининг ўзгаришига олиб келади ва унинг натижасида дориларнинг эриш тезлигига (таблеткаларда, капсулаларда) ва дори модданинг сўрилиш тезлигига таъсир кўрсатади. Масалан, ўртача 30% га сўрилиш тезлиги камаяди ва 58% сўрилиш жараёнининг самарадорлиги пасаяди. Айниқса, салицилатларнинг, барбитуратларнинг, антибиотикларни, сульфаниламидларнинг сўрилиши сусаяди, демак, дориларнинг таъсир кўрсатиш вақти чўзилади.

3. Дориларнинг метаболзмида қатнашадиган фермент системаларининг фаолияти анча камаяди, айниқса жигарда дориларни энзиматик парчаланиш реакциялари тезлиги сусаяди, бу эса истеъмол қилинган дориларнинг ва уларнинг парчаланган махсулотларини (метаболитларини) организмда тўпланишига олиб келиши мумкин, натижада дориларнинг салбий таъсирларини кучайишига олиб келади.

4. Ундан ташқари қариялар ёшида буйрак фаолияти ўзгаради (ўртача ҳисобда буйракда қон айланиш даражаси 50% камаяди). Бу эса дориларни организмдан чиқиб кетиш ва дориларни кумуляциясига сабаб бўлади.

Демак, қариялар организмида содир бўган ўзгаришлар дориларнинг фармакокинетикасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин (сўрилиш, тарқалиш, биотрансформация ва чиқиб кетиш жараёнларида).
Агар ўрта ёшдаги одамларда дориларнинг салбий таъсири 10,2% бўлса, ўртача ҳисобда 75-80 ёшдаги касалларда бу сон 20,3%га етиши мумкин.

Айрим пайтларда дориларнинг парадоксал (яъни тескари кутилмаган таъсири бўлиши мумкин) Масалан, маълумотлар бўйича папаверин гидрохлорид қарияларда қон босимини ошишига олиб келиши мумкин, шунинг учун гериатрия ёшига етган касалларга махсус гериатрик дорилар яратилиши долзарб муаммо деб хисобланади.

ГЕРИАТРИЯ АМАЛИЁТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИЛАР ХУСУСИЯТИ

Юқорида айтилгандек, гериатрик касал фармакотерапиясига алоҳида эътибор берилиши ва дориларнинг сўрилиш жараёнини ўзгаришини ҳисобга олиш лозим (айниқса перорал усул билан истеъмол қилинадиган дорилар учун). Сўрилиш жараёнининг даражаси ва тезлиги нисбатан анча паст бўлганлиги учун дориларнинг ошқозон-ичак шиллиқ пардаларига махаллий салбий таъсири (яллиғланишлар, яралар) нисбатан юқори бўлади. Иккинчидан, узоқ вақт ошқозон-ичак йўлларида бўлганлиги сабабли уларнинг гидролитик парчаланиши даражаси хам нисбатан кўп бўлади. Бу эса фармакотерапевтик таъсирини камайишига сабаб бўлади. Шунинг учун гериатрия амалиётида айрим препаратларни ишлатилиши чекланган бўлади ёки умуман ишлатилмайди. Ундан ташқари одамга керак бўлган хар-хил биофаол моддалар етарли даражада организмга сўрилмайди ва гериатрик ёшдаги касалларда кўпинча
шу моддалар организмда керакли миқдордан анча паст бўлади. Шуларни хисобга олган холда гериатрик дориларни яратишда албатта шу муаммоларга эътибор берилиши лозим.

Яъни уларга мўлжалланган дорилар таркибида албатта сўрилиш жараёнини тезлаштирувчи ёрдамчи моддалар қўшиш тавсия этилади (тензидлар). Тензидлар сифатида хар-хил САМ ишлатилади: твинлар, лецитин, эмульгатор Т-2, натрий лаурил сульфат, димексид ва х.к.

Ундан ташқари гериатрик дориларни яратишда алохида эътибор ёрдамчи моддани танлашга берилади. Қўшиладиган ёрдамчи моддаларнинг вазифаси дори турининг технологик хусусиятини таъминлаш бирга таъсир этувчи модданинг қариган организмга салбий таъсири камайишига ёки бу таъсирни олдини олишга қаратилган бўлиши керак.

Мисол: Гериатрия амалиётида таклиф этилган ва макро ва микроэлементлар сақлайдиган (К 5+ 0, Са 5++ 0, Си 5++ 0, Мп 5++ 0, Zп 5++ 0, Со 5++ 0) таблеталар таркибида ёрдамчи моддалар сифатида қуруқ казеин ва декстран танланган. Бу ерда танланган ёрдамчи модданинг вазифаси шу макро ва микроэлемантларни ошқозон шиллиқ пардалари сақлаш ва сўрилиш жараёнини тезлаштириш. Декстран ЮМБ ва унинг эритмаси қовушқоқ бўлиб, ошқозон шиллиқ пардаларини металларнинг махаллий яллиғлантирувчи таъсирини камайтиради. Казеин эса металлар билан казеинатлар хосил қилиб, уларни сўрилишини тезлаштирилади. Натижада умумий салбий таъсири бўлмайди ва дориларнинг терапевтик таъсири юқори бўлади. Ёки седуксен

препаратларининг инъекцион эритмасини гериатрик касалларга мўлжалланган таркибига Полоксамер 188 деган ёрдамчи модда қўшилади ва унинг вазифаси седуксеннинг эритмаларда кристализацияси олдини олиб тромбозларни содир бўлишига тўсиқ бўлади.

Юқоридагилардан ташқари гериатрия амалиётида дориларни салбий таъсири олдини олиш ёки камайтириш мақсадида уларни истеъмол қилишига эътибор берилади.

Масалан: таблеткаларни майдалаб сувда эритиб ичиш ёки айрим препарати (махаллий яллиIлантирувчи таъсирга эга бўлган) АСК, бутадион стероидлар сут билан бирга истеъмол қилиш.

Ундан ташқари қариялар организмида витамин, аминокислота миқдори кўпинча етарли даражада бўлмаганлиги сабабли гериатрия дорилари хар биологик фаол моддалар билан бойитиш мақсадга мувофиқ деб хисобланади. Бунда шундай мақсад қўйилади организмни қариш жараёнини камайтириш учун. Бундай биологик фаол моддалар (витаминлар ва биопрепаратлар) геропротекторлар деб этилади, яъни қаришга қарши қаратилган моддалар.

Шуни хисобга олган холда гериатрия амалиётида дориларни учта гурухга бўлинади.

I гурух А-геропротекторлар (гериатрик препаратлар)

II гурух Б-асосий касални даволаш учун бериладиган дорилар

III гурух В-бу гурухга гериатрияда ишлатилиши чекланган препаратларни бу ёшдаги касалларга кўпинча салбий таъсир кўрсатадиган дорилар.

I гурух А-геропротекторлар қаришнинг профилактикасига мўлжалланган дорилар: биологик фаол моддалар улар организмининг ҳимоя кучларини оширадиган модда алмашинувини яхшилайдиган.

Геропротекторларга витамин препаратлар (квадевит, ундевит, токоферол ацетат, витамин А, декамевит) аминокислоталар (метионин) ва бошқа биофаол моддалар (женьшень настойкаси, элеутерококк экстракти, аскорбин кислотаси, ретинол, ретоболил). Жадвал-1

II Гурух Б-врач кўрсатмасига биноан касални даволаш учун керак бўлган дорилар

III Гурух В-махсус гурух. Бу гурухга гериатрия амалиётида ишлатилиши чекланган ёки умуман дори ишлатиб бўлмайдиган дорилар киритилган. Улар қариялар организмига юқори даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлганлиги учун уларни айрим ёшга етгандан кейин бериш мумкин эмас, чунки салбий таъсирлари юқори даражада намоён бўлиши мумкин. Масалан, 50 ёшдан кейин: аммифурин, маргумиш препаратларини 60 ёшдан кейин: псоберан, тетурам

Юқоридаги лосьонларни тайёрлаш учун сиз дори турлари технологияси бўйича спиртни суюлтириш, оддий глицерин қанча фоиз сув сақлашини, камфора спирти неча фоизли ва қандай спиртда тайёрланиши, борат кислотаси эритмасини тайёрланиши ва шунга ўхшаш масалаларни хал қила олишингиз лозим.

Бундан ташқари буғ ваннаси ва компреслар юз терисини тозалашда қўлланилади. Буғ терини ёғ босганида ёғ чиқадиган йўлларига тақилиб қолган ёғ (қирлар)ни юмшатишга ва уларнинг чиқиб кетишига ёрдам беради.

Компресларни: илиқ 40-50 ^{0} С ёки тузли эритмалар билан (2 ош қошиқ туз 1 л қайноқ сувда эритилади) ёки совуқ сув (15-16^0 С) сув билан қилинади. Кейин витаминли кремлар сурилади 1,5- 2 соатдан сўнг артиб ташланади. Терини парвариш қилишда ҳар хил нуқсонлардан энг муҳими - ажин бўлса, унга эътибор бериш керак.

Ажин - бир томондан организмнинг сўлиб бораётганидан дарак берувчи белги десак хам бўлади, чунки қариш жараёнида терида бир қанча ўзгаришлар содир бўлади: қон, лимфа айланишининг бузулиши натижасида энг аввал юз, бўйин, қўл панжаларининг терисида шундай ўзгаришлар юзага келади. Лекин, иккинчи томондан, мимик ажинлар хам мавжуд, улар одамни хар бир мимикани доимо такрорлаши оқибатида пайдо бўлади. Масалан, доим пешанани тириштириш, қошларни юқорига кўтариш ёки қовоқ солиш, кўз, лабларни қисиш, кўп кулиш ҳам илгари ажин тушишга олиб келади.

Ташқи ва ички мухитнинг ноқулай омиллари: қуёш нурлари, совуқ шамол, қуруқ хаво таъсири ва организмнинг узоқ кечадиган сурункали касалликлари хам ажин тушишга сабаб бўлади. Юз терисини парвариш

қилиш қоидаларига риоя қилинмаса, спиртли эритмалар, терини оқартирадиган суртмалар кўп ишлатилса, суртилган косметик воситалардан терини вақтида тозалаб турилмаса хам ажинлар пайдо бўлади.

Ажин тушишни олдини олиш учун умуман саломатликни яхшилаш, тўғри овқатланиш, меҳнат қилиш ва дам олиш режимга амал қила бориш, спорт билан мунтазам равишда шуғулланиш, баданни офтобда меёри билан тоблаш, юзни қаттиқ шамолдан эхтиёт қилиш зарур. Умрбод ажин туширмайдиган қосметика воситалари йўқ албатта, лекин юз, бўйин, қўл терисини мунтазам тўғри парвариш қилиб бориш, ажинларни камроқ сезиладиган қилади.

Тери нуқсонлари - қуриш, ажин камроқ тушиши учун ҳар хил крем ва маскалар ишлатилади. Косметика воситаларига кирадиган моддаларга қараб, шифобахш маскалар (уларнинг таркибига дори препаратлари киради) хамда терини озиклантириш, тозалаш ва оқартириш учун мўлжалланган косметика маскаларига бўлинади. Шифобахш маскалар (хусунбузар, пигмент доғлар, терини қаттиқлашган, қонталаш жойларни даволаш маскаларни косметолог мувоффиқ тайёрлаш керак.

Тери доғлари - пигментли ва пигментсиз доғларга бўлинади. Пигментли доғлар туғма бўлиши мумкин, шунингдек организмдаги турли ўзгаришлар туфайли ёки ташқи омиллар таъсирида (бадан куйганида ёки совуқ урганидан кейин) юзага келади. Буйрак ости безлари касаллиги (бронза касаллигида), организмда никотин кислотаси, шунингдек В группа витаминлари етишмай қолганида (пеллагра) терида хар хил пигментли доғлар пайдо бўлади. Пигментация бузилиши турларидан хлоазма - сарғиш жигар ранг тусдаги нотўғри шаклли доғлардир. Улар одатда пешана, лунж, бўйин терисида симметрик жойлашади. Хлоазманинг келиб чиқиши ички секреция безлари (асосан тухумдонлар) функциясининг бузулишига жигар, меъда-ичак йўли касалликларига камқонлик, нотўғри овқатланиш, гижжалар ва бошқалар алоқадор бўлиши мумкин.

Хлоазма кўпинча хомиладорлик даврида вужудга келиб, туғурукдан сўнг ёки бола эмизувидан чиққандан кейин ҳам йўқолиб кетмайди.

Овқатда витамин А танқислиги сабабли тирсак ва тизза сохаларида юзаси қурқ бўлиб, пўстташлаб турадиган сарғиш жигар ранг доғлар юзага келиши мумкин. Баъзи кишиларда фенол билан ишлаганда ва баъзи углеводородларнинг буғларидан нафас олинганида ёки таркибида маргимуш (мышьяк) бўлган препаратлар қабул қилинганида терида ёйилиб кетган тўқ кул ранг тўрсимон доғ пайдо бўлиши мумкин. Баъзи кишилар бадани ультрабинафша нурларига ортиқча сезгир бўлади ва баҳор офтоби таъсирида пайдо бўладиган пигментли доғлар вақт ўтиши билан ўз-ўзидан йўқолиши мумкин. Доғларни бир оз рангсизлантириш учун уй шароитида қатиқ, 2-3 кунлик кефир ёки 3% пероксид водороди эритмасини суртиб туриш фойдали. Хлоазмаларда эса ёз пайтлари терига бодринг суви, қора смородина шираси, ош сиркасига дамланган хрен суртиш тавсия этилади. Махсус кремлар ёрдамида теридаги доғлар контрастини бирмунча камайтирса бўлади. Оқартирадиган кремни тайрлаш учун бир ош қошиқдан олинган лимон

шарбати билан ош сиркани аралаштириб, унга 2 чой қошиқ қайнатилган сув қ°шиш керак. Бу аралашма билан юз терисини хар куни артиб турилади. Агар юз териси қуруқ бўлса, аралашмага 1 чой қошиқ ўсимлик мойи қўшилади. Юз терисини оқартириш мақсадида бир бўлак лимон, бодринг, кефир ёки қатиқ билан артиш, кейин юзни ёки уни лосьон билан артиб туриш керак. Юз терисини парвариш, озиқлантириш ва ҳимоя қилиш мақсадида ёғларни, ёғсимон моддалар, мум, эмульгаторлар ва сув аралашмасидан иборат. Ёғ ва ёғсимон моддалар терининг юза қатламига сурилиб уни юмшатади, эластиклаштиради, терини турли таъсирлардан, ҳамда ажин тушишдан сақлайди.

Кремлар таркибига қўра ёғли, эмульсияли ва махсус кремларга бўлинади. Ёғли кремлар кам ишлатилади, чунки самарали таъсир этмайди. Шу туфайли эмульсияли кремлар кўпроқ ишлатилади. Уларнинг таркибида сув ва шу сувнинг миқдорига кўра эмульсияли кремлар кўпроқ ва суюқ бўлади. Кремларнинг терига самарали таъсир этишини яхшилаш мақсадида уларга биологик актив моддалар: витаминлар, гиёх, мева, сабзавот экстрактлари қ°шилади. Витаминлардан А, Е, Р лар терига сўрилиб, ундаги моддалар алмашинувини яхшилайди, те-
рининг қуруқлигини ёки ёҒлиқлигини камайтиради.

Кремларга доривор моддалар - олтингугурт, календула ва бошқалар қўшилади. Терини юмшатиш ва тозалаш учун суюқ кремлар (сутлар ёки сут-
га ўхшаш эмульсиялар ишлатилади). Бу кремлардан юзини сув билан совунлаб ювиш ўрнида фойдаланиш тавсия этилади. Терини озиқлантириш мақсадида "питательный", "ромашка" каби кремлар ишлатилади. Махсус кремларга юзини оқартируви доривор модалар қўшлган холда тайёрланади. Кремларни тери чизиқларининг йўналиши бўйича суртиш ва артиш лозим. Кўчага крем суртиб чиқиш тавсия этилмайди, чунки крем ёз кунлари юзда ёғ пардаси хосил қилиб, терининг нафас олишини қийинлаштиради, қиш кунлари эса крем таркибидаги сув буғланиб, терининг совуқ олишига сабаб бўлади.

Косметологияда кремлардан ташқари лосьонлар, маскалар, хушбўй сувлар кенг қўлланади. Косметикада ишлатиладиган дори турларини (дерматологик) тайёрланиши дерматологик дорилардан хеч фарқи йўқ. Косметик воситаларини технологиясида ҳам худди ўша ёрдамида моддалар ишлатилади. Тайёрлангандан кейин дорилар сифатини тиббиёт ёки фармацевтик кўрсатгичлар билан назорат қилиш мумкин.

Ветеринарияда ишлатиладиган дори турлари

Ветеринар фармация фармацевтик фаннинг бир махсус соҳаси бўлиб, ҳайвонларнинг жисмоний, анатомия, физиология тузилишига ўзига хос бўлишларини хисобга олган холда мустақил равишда ривожланган.

Ветеринарияда ишлатиладиган дори турлари махсус дорихоналарда, баъзан медицина дорихоналарида тайёрланади.

Бу дори турларининг рецепттлари ветеринария врачлари ва фельдшерлари томонидан ёзилиб, улар ҳам (рецептларига) тиббиёт рецептларига қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак. Ветеринарияда ишлатиладиган дори турлари, уларнинг таркибидаги доривор ва ёрдамчи моддалар ва таёрланиши одатдаги дори турлари технологиясидан хеч қандай фарқ қилмайди. Фақат баъзи дори турларининг хажми, миқдори куп бўлади (масалан, болюслар - 0.5 - 50.0 г, шамчалар 200.0 г гача). Қўшимча моддалар сифатида жавдар уни ва кўпинча дорилар таъми ва хидини яхшиловчи моддалар қўшилади.

Ветеринарияда қўлланиладиган дорилар кўпроқ дозада берилиши ва айрим ўзига хос дори турларга эга бўлиши билан ажралиб туради.
Масалан, бўтқалар, болюслар деган дори турлари ишлатилади. Ветеринарияда ишлатиладиган дори турлари қуйидагича таснифланади:

1. қаттиқ дори турлари
2. юмшоқ дори турлари
3. суюқ дори турлари

Қаттиқ дори турларига кукунлар, йиғмалар, таблеткалар, хап дорилар, болюслар киради.

Юмшоқ дори турларига бўтқалар, суртмалар линиментлар киради.

Суюқ дори турларига эритмалар, елимшаклар, эмульсиялар ва суспензиялар киради.

Х ДФда заҳарли, кучли таъсир этувчи ва айрим кенг қўлланиладиган дориларнинг от, сигир, қўй, ит, товуқлар учун бир марталик дозалари келтирилган. Ветеринарияда дориларни ишлатишда ўзига хос усулдан фойдаланилади, яъни тайёр дорилар ҳайвонлар яхши кўрадиган озуқаларга қўшиб берилади. Масалан, от ва қорамоллар ош тузини, қўй ва эчкилар ачиқ моддаларни, ит ва чўчқалар ширинликни, мушуклар валерианани яхши кўрадилар. Одатда чўчқалар учун бўтқалар энг яхши дори тури ҳисобланади. Қуш ва уй ҳайвонлари (ит, мушук) учун хап дорилар, отлар учун болюслар қўлланилади.

Ветеринарияда ишлатиладиган дори моддаларнинг дозалари ҳайвонлар тури, оғирлиги, жинси, ёши, жисмоний ва морфологик холати, дорини юбориш усули ва бошқа шароитларга боғлиқ.

Энди ветеринарияда ишлатиладиган дори турларини тайёрлаш технологиясида тўхтаймиз.

Болюслар - думалоқ ёки тухумсимон шаклга эга бўлган дори тури, оғирлиги 0,5 г дан 50,0 г гача бўлиши мумкин.

Болюслар доривор модда ва шакл берувчи ёрдамчи моддалардан иборат. Шакл берувчи моддалар сифатида жавдар ун, оқ гел, шинни, қўк совун, асал, гулҳайри илдиз кукуни, шарбат ва бошқалар ишлатилади.

Умумий тайёрлаш технологияси. Болюслар тайёрлашда хап дорилар (пилюлалар) тайёрлашдаги умумий қоида ва талабларга риоя қилиш зарур.

Доривор моддаларни аралаштириб туриб, ёрдамчи моддалар қўшилади. Болюслар тайёрланадиган масса бир оз юмалоқроқ бўлиши керак. Одатда бу

дори тури узоқроқ сақланганда тез қотиши сабабли, фақат керак вақтда 1-2 кун муддат билан тайёрланади. Улар шиша банкаларда берилади.

Болюсларга мисол тариқасида қуйидаги рецептни келтирамиз:

Rp: Pulveris folii Digitalis 4.0
Natrii chloridi 4.0
Natrii nitrici 6.0
Fructis Juniperi pulverati 10.0
Farine Secaline
Pulveris Glycyrrhizae ana 12.0
Ut fiant bolii N 4
D.S. Отга

Тайёрланиши: рецептда ёзилган доривор моддани Х ДФ от учун бир марталик дозалари текширилади. 6-нчи ёки 7-нчи ховончада қуруқ доривор моддалар майдаланади ва бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Кейин ун ва чучукмия илдизининг кукуни қўшилади ва аста оз-оздан глицерин қўшилиб юмшоқ қоришма хосил бўлгунича аралаштирилади. Хосил бўлган масса тортилади, сўнг тенг 4 қисимга бўлинади. Хар бмр бўлакдан юмалоқ болюслар ташкил этилади ва оқ гел секин жойлаштирилади.

Гранулалар - шакли, тайёрланиши ва уларга бўлган талабларга қўра пилюлаларни эслатади, оғирлиги одатда, 0.1 г дан кам бўлади. Шакл берувчи моддалар сифатида баъзан сут қанди, шарбатнинг глицеринли аралашмаси (9:1) ишлатилади.

Мисол:

Rp: Extracti Nucis Vomicae 0.5
Sacchari albi
Sacchari lactis ana 2.0
Farina triticae q.s.
Ut fiant granulae N 100
D.S. Кабутарлар учун

Технологияси: олдин доривор моддаларнинг кабутар, товуқлар учун бир марталик дозалари текширилади (Х ДФ, 1968, 1042 б.). 5-нчи номерли ховончада шакар яхшилаб эзилади, оз қисмдан бошқа моддалар қўшилади ва сув билан юмшоқ масса ҳосил қилинади. Масса тортилади, кейин пилюлалар тайёрланадиган машинка ёрдамида 100 гранула тайёрланади. Тайёр гранулаларга ун сепиб қўйилади.

Бўтқалар - асосан от, чўчқа ва итларга берилади. Улар ташқи қўринишидан қуюқ асални эслатади, суюқ бўтқалар ҳам бўлади. Бўтқаларни тайёрлашда аввал барча кукунсимон препаратлар яхшилаб аралаштирилиб, сўнгра ёрдамчи суюқликлар (шарбат, шинни, ёғлар) қўшилади. Улар 1/2 - 1/3 қисм олинади. Суюқликларни эхтиётлик билан оз-оздан қўшиш тавсия этилади, бўтқа суюқ бўлиб кетмаслиги учун. Бўтқаларнинг суюқ-қуюқлиги

рецептда қўрсатилган бўлади. Агар кўрсатилмаган бўлса, у холда қуюқ бўтқа тайёрланади. Бўтқалар дозаларга бўлинмайдиган бўлганлиги учун, уларга "А" ва "Б" рўйҳатдаги доривор моддалар қўшилмайди. Бўтқалар беқарор бўлгани учун фақат кераклигида тайёрланади ва салқин жойда сақланади.

Мисол: Rp.: Extracti Filicis maris 5.0
Rhizomatis Filicis maris pulverati
Farinae secaline ana 25.0
Glucosi spissi q.s. (шинни)
M.f.electarium 100.0
D.S. Битта ч°чқага 1 марта едириш учун

Технологияси: Рецептда келтирилган дорини тайёрлаш учун аввал папоротник кукуни билан унни аралаштирилиб, устига алоҳида тайёрланган экстрактбилан шинни аралашмаси (1:1) қўшиб аралаштирилади ва 100,0 га қадар шинни солиб, яна аралаштирилади. Тайёр бўтқа шиша банкаларда берилди.

Юмшоқ дори турларидан тез-тез линиментлар учраб туради.

Линиментлар мойли, ланолинли, совунли бўлади. Қўп қўлланиладиганлари:

1. Учувчан линимент (новшадил спирти - 1 қ., кунгабоқар мойи - 3 қ.).
2. Мураккаб учувчан линимент (камфора мойи - 3 қ., канакунжут мойи - 1 қ., новшадил спирти - 1 қ.).
3. Совунли камфора - учувчан линимент (медицина совуни – 40 қ., спирт 420 қ., камфора - 10 қ., лимон мойи - 2 қ., розмарин -2 қ., тмин мойи - 1 қ., новшадил спирти - 25 қ.).
4. Совун-спиртли линимент (шпан қ°нҒизи кукуни - 1 к., скипидар - 20 қ., камфора спирти - 80 қ., совунли спирт - 208 қ., новшадил спирти - 12 қ.).

.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Пойстель Г.М. Косметические препараты и теоретические основы косметики.- М.,1990.- С.25-56.
2. Справочник фармацевта.- Под ред. Тенцовой А.И.- М., 1981.- С.312.
3. Технология лекарств.- Под ред. Кондратьевой Т.С.- М., 1991. - 400 с.
4. Технология лекарственных форм.- Под ред. Кондратьевой Т.С.-М.1991.- С.400.
5. Бесхлебов А.В. и др. Справочник по ветеринарной рецептуре с основами общей терапии.-М.,1980.- 355 с.
6. Ханина М.А., Серих Е.А. Методика количественного определения хамазулена в косметических мазях//Кимё ва фармация.- 1996, N 1.- С.18-20.

МАВЗУ: "БИОФАРМАЦЕВТИК ИЗЛАНИШЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ДОРИВОР МОДДАЛАРНИНГ ДОРИ ТУРИДАН СЎРИЛИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР. ДОРИ ТУРЛАРИДАН ТАЪСИР ЭТУВЧИ МОДДАЛАРНИНГ БИОЛОГИК СЎРИЛИШ ДАРАЖАСИ"

Маърузага ажратиган вақт - 2 соат.

Ўқитиш мақсади: Дори турларидан таъсир этувчи моддаларни биологик сўрилиш даражасини аниқлаш усулларини кўриб чиқиш. Доривор моддаларнинг дори туридан сўрилишига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш. Биофармацевтик изланишларнинг ривожланиш йўллари ва истиқболлари билан таништириш.

МАЪРУЗА РЕЖАСИ:

1. Биологик сўрилиш даражасини таърифи, уни аниқлашнинг аха мияти
2. Биологик сўрилиш даражасини қаттиқ дори турларидан аниқлаш усуллари
3. Юмшоқ дори турларидан дориларнинг биологик сўрилиш даражасини аниқлаш усуллари.
4. Биофармация фани хақида тушунча, қисқача тарихи
5. Дориларнинг терапевтик ноэквивалентлиги ва биологик сўрилиш даражаси тўғрисида тушунча.
6. Доривор моддаларнинг дори туридан организмга сўрилишига таъсир этувчи омиллар, уларни ўрганиш.
7. Дориларнинг организмга тарқалишига таъсир этувчи омиллар, биотрансформация ва элиминация.
8. Биофармацевтик изланишларнинг ривожланиш йўллари ва истиқболлари.

1.БИОФАРМАЦИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА. ҚИСҚАЧА ТАРИХИ.

1960 йиллар бошига қадар илм ва фармация саноат соҳасида одам организмга юборилган доривор модда беками кўст ўз терапевтик самарасини беради деган фикр юритилар эди. Бироқ юзлаб клиник тажрибаларда бир дори турида ва бир терапевтик дозада берилган доривор модда турли корхоналарда ишлаб чиқишган, ёки бир корхонада чиқарилган ва фақат турли сериялардан олинган препаратлар терапевтик самарадорлиги бўйича бир қанча фарқланишиши аниқланди.

Кейинги шу йўналишда олиб борилган тажрибалар турли дори турларида (қаттиқ, суюқ, юмшоқ) кимёвий эквивалентлик ва терапевтик самарадорлик орасида мутаносиблик йўқлиги аниқланди. Бу саволлар билан фармацевтик технологиянинг янги тармоғи биофармация фани шуғулланади.

Биофармация фани 60 йиллар бошида шакиллана бошланиб, бу йўналишнинг очилишига асосий сабаб доришунос олимларнинг (чунончи дори турлари технологияси билан шуғулланувчи олимларнинг дори тури ва уларнинг сўрилиши, қондаги концентрацияси ўртасидаги боғлиқлик масалалари асосидаги қизиқишлари ва тажрибалари ҳосиласидир. Албатда, биофармация фанининг шакилланишига фармация, фармакология, кимё, биология, илмий ва амалий тиббиёт ва бошқа фанларнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу борада, биофармация - фармация соҳасида янги йўналиш ҳисобланиб, биофармация бугунга қадар ўрганилмаган - деган савол келиб чиқиши мумкин. Бу кашфиёт дори моддаларнинг таъсирини янада чуқур ўрганишдаги янги услуб ва усулларга асосланибгина юзага чиқди.

Биофармация фармацевтика фанининг янги тармоғи сифатида 1960 йиларда юзага чиққан бўлишига қарамай унга тегишли бўлган экспериментал натижалар анча олдиндан маълум эди.

Бинобарин, дори моддаларнинг "сўрилиш" ва таъсириини организмга юбориш йўли билан боғлиқлиги бизнинг эрамиздан олдинги тиббиёт олимларини изланишларидан маълум бўлган (Ибн Сино 5 китоб). Ердамчи моддаларнинг доривор модда сўрилишига таъсири каби масалалар ҳам кўп йиллардан бери эътибор этилади.

Сульфаниламид препаратларнинг майдалик даражаси билан биологик таъсири ўртасидаги боғлиқликнинг 1940 йилларда аниқланиши ҳам олимлар диққат марказидан четда қолди. Йил сайин бундай мисоллар кўплаб йиғилиб бораверади. Биринчи марта катта шов-шув сабабчиси: Нью-Йорк касалхоналаридан бирида, антикоагулянт - бисгидроксикумариннинг икки фирмадан олинган таблеткаси бир дозада бўлса ҳам,бироқ терапевтик фаоллиги 2 мартагача бир-биридан фарқланиши аниқланди. Кимё тарафдан текширилганда таблеткаларнинг ҳеч бир фарқи аниқланмаган.

Худди шундай маълумотлар левомиицетин, эритромицин ва х.қ. таблеткаларида ҳам кузатилган. Текширилган таблеткалар МТҲ тўла тўкис жавоб берса ҳам, клиник синовлар ҳар хил натижалар бериши исботланди. Олдиндан бу масалаларни олимлар диққат марказидан четда қолишига асосий сабаб уларнинг бу масалага фақат товаршунослиик ва аналитик назар билан қараш эди. Бироқ фан тараққиёти дори моддалар концентрациясиси ва уларнинг метаболитларини организм суюқлигиида (қонда, плазмада, сийдик ва бошқа

суюқликларда) миқдорини аниқлаш усулларини яратиш ва ўлчашга асбоб-ускуналарни яратиш натижасида юзага келди.

Дори шаклига товаршунослик кўзи билан қараш ва баҳо бериш хозирги замон талабларига жавоб бермай қўйди. Биофармация фанини юзага чиқишга асосий сабабларидан бири бу ёрдамчи моддалар сифатида ишлатиладиган кимёвий бирикмаларини кескин кўпайишидир.

Ердамчи моддалар билан олиб борилган тажриба ва текшириишлар уларни организмга ва дори модданинг терапевтик терапевтик таъсирига бефарқ деган тарихий тушунчанинг нотўғрилигини исботлади. Ердамчи моддалар дори препаратларининг таъсирини кўпайтириши, пасайтириши ёки таъсирини қисман ёки мутлақо ўзгартириши мумкинлиги исботланди. Демак фақат дори модданинг таъсири асосида дори шакли тўғрисида хулоса чиқариб бўлмайди. Дори модданинг таъсирига дори турини шакллантирувчи омиллар ўз таъсирини кўрсатиши исботланди.

Юқоридагиларга хулоса қилиб айтганда:

Биофармация - бу дори препаратларининг биологик таъсирига (терапевтик самарадорлигига фармацевтик омиллар таъсири) дори модданинг физик-кимёвий ҳоссалари, дори шакли, тайёрлаш технологияси ва ёрдамчи моддалар аҳамиятини ўрганадиган фан.

Биофармация фанининг асосий вазифаси дори турларининг биосамарадорлигини ошириш ва қўшимча таъсирини камайтириш.

Биофармациянинг асосий атамалари В.Вагнер, Сенов П.Л., Тенцова А.И., Ажгихин И.С. ишларда ўз аксни топган. ЎзР да яратладган аксарият дори препаратларига биофармацевтик баҳо берилади.

2. ДОРИВОР МОДДАЛАРНИНГ КИМЕВИЙ, БИОЛОГИК, ТЕРАПЕВТИК ЭКВИВАЛЕНТЛИГИ ВА НОЭКВИВАЛЕНТЛИГИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА. БИОЛОГИК СЎРИЛИШ ДАРАЖАСИ ТУШУНЧАСИ

Илмий фармация тушунчасига биноан бир ҳил дори моддадан баровор дозада бир хил дори шакли, лекин турли технологик йўл билан тайёрланган дорлар хозирги физик-кимёвий стандартга тўла жавоб берса (ДФ, МТҲ) - кимёвий эквивалентлик (масалан, миқдорий таҳлил).

Биологик эквивалентлик деб кимёвий эквивалент бўлган дориларнинг организмга сўрилиш даражаси бир хил бўлишига айтилади.

Терапевтик эквивалентлик деб кимёвий эквивалент бўлган дориларнинг бир хил касалликнинг даволашдаги хусусияти бир-бирига айнан ўхшаш бўлишига айтилади.

Терапвтик ноэквивалентлик - бир хил дори моддадан, баробар дозада, бир хил дори шаклида, лекин турли технологик йўл билан тайёрланган дори препаратлар турли терапевтик самарадорликга эга бўлиши айтилади.

Терапевтик ноэквивалентликлар сабабини фақат биофармацевтик ва фармакокинетик (фармакодинамик) изланишлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Бу изланишлар турли биофармацевтик омилларни терапевтик самарадорликга таъсирин ўрганишга дори препаратларини биосамарадорлигин аниқлаш усулларини яратишга бағишланган.

1974 йилда "биосамарадорлик тести" тушунча Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 17-ассамблеясида қабул қилиниб, 1983 йилдан бошлаб шу ташкилотнинг тавсияси билан тиббиётга руҳсат этиш учун тавсия этилаётган хамма дори препаратларнинг биосамарадорлиги аниқланиши лозим деб қабул қилинди. Биосамарадорлик тестини аниқлаш in vitro ва in vivo тажрибалар ёрдамида олиб борилади. Бунда сўрилиш тезлиги (биосамарадорлик) препаратнинг биосуюқликда максимал концентрациясининг ҳосил бўлиш вақти билан ифодаланади; сўрилиш даражаси эса

таклиф этилган ва андоза (стандарт) дори турларининг сўрилган дори миқдорига нисбати билан ифодаланади.

Аммо бу кўрсатгичлар сўрилиш тўлиқ бўлганлиги ёки бўлмаганлигини ифодалаб бера олмайди. Бунда фармакокинетик ёки фармакодинамик усуллар ёрдам беради.

Фармакокинетика организм ёки биологик суюқликда доривор моддаларни маълум вақт ичида сифат ва миқдорий кўрсатгичларини ўзгаришини ўрганади. Бунда энг асосий кўрсатгичлардан бири бу доривор модданинг биосуюқликдаги максимал концентрациясини аниқлаш ва унинг пасайишини кузатишдир. Бунда текширилаётган дори шакли билан стандарт таққосланади.

Биологик самарадорлик даражаси фоиз (%) билан ифодаланади:

$$БС = \frac{B}{A} \times 100,$$

БС - биологик самарадорлик даражаси, %.

А - стандарт дори шаклидаги препаратни юборилганида организмга сўрилган препарат миқдори, мг/мл.

В - текширалаётган дори шаклининг юборилганида организмга сўрилган препарат миқдори, мг/мл.



Сўрилиш даражаси - бу кинетик эгри чизиқ тегидаги аниқланадиган ва стандарт дори шаклидаги дорилардан сўрилган доривор моддалар майдони мутаносиблигигга айтилади.

Аммо бу бутун сўрилган дори модага баҳо бера олмайди ва буни аниқлаш учун фармакокинетик анализ ёрдам беради. Фармакокинетик изланишлар нисбатан яқиндан биофармацияда қўлланила бошлади.

3. ФАРМАЦЕВТИК ОМИЛЛАР

Дори турини организмга сўрилиш тезлигига фармацевтик омиллар бевосита таъсир кўрсатади. Фармацевтик омилларга дори моддаларнинг кристаллик шакли ва кимёвий ҳолати, дори тури, ёрдамчи моддалар, дори турини тайёрлашда қўлланиладиган технологик жараёнлар ва х.к. [1, 2, 3, 4].

Биофармация таълимотига мувофиқ дори турини тайёрлашда қолланиладиган ёрдамчи моддаларни бефарқ деб бўлмайди. Улар маълум даражада дори моддаларининг дори туридан ажралиб чиқиш ва сўрилиш теэлигига таъсир кўрсатади. Дори турини тайёрлашда танлаб олинадиган ёрдамчи моддалар ҳар бир дори модда учун ўзига мос бўлиши лозим. Таъсир қилувчи модда билан ёрдамчи модда ўзаро бирикиб, комплекс

бирикма ҳосил қилиши, дори моддани ёрдамчи моддага адсорбцияланиши натижасида сўрилиш тезлиги ўзгариши мумкин. Адабиётларда ёрдамчи моддаларнинг дори турини биосамарадорлигига таъсири кўрсатилган илмий ишлар кўп учрайди [6,7,8]. Масалан, фенобарбиталга ПЭО-400 қошиб тайёрланган таблетка ва шамчада сувда ёмон эрийдиган комплекс бирикма ҳосил қилади, натижада фенобарбиталнинг сўрилиши кескин ёмонлашади. Шундай дори турларини натрий барбитал билан тайёрланса, ПЭО-400 дорини биосамарадорлигига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Иккиламчи калций фосфат билан тайёрланган тетрациклин таблеткаси ичакда умуман сўрилмайдиган бирикма хосил қилади [9, 2].

Демак, ҳар бир дори тури учун ишлатиладиган ёрдамчи модда биофармацевтик нуқтаи назардан баҳоланиши лозим, чунки деярли ёрдамчи моддаларсиз, у ёки бу дори тури тайёрланмайди. Дори турини тайёрлашда қўлланиладиган технологик жараёнларга майдалаш, намлаш, қуритиш, донадорлаш, пресслаш ва х.к.лар кириб, дориларни турғунлигига, сифатига ва биосамарадорлигига таъсир этиши мумкин. Нам донадорлаш усули ишлатилганда айрим дориларни фаоллиги пасайиши тажрибалар асосида исботланган. Раувольфия алкалоидини донадорлашда боғловчи модда сифатида сув, 90% ли этил спирти ишлатилса, алкалоид йўқолиши кузатилган. Пресслаш босимининг ҳам биофармацевтик кўрсаткичларга таъсири стафилококк анатоксини мисолида кўриш мумкин. 100 МПа босимда олинган таблетканинг фаоллиги 100% деб қабул қилинса, 250 МПа босимда олинганини фаоллиги 16% га камайиши тегишли адабиётларда келтирилган. /10/ Тўғридан-тўғри пресслаб олинган таблеткаларни биосамарадорлиги нам донадорлаш усулида олинганга нисбатан юқори бўлиши тажрибалар асосида исботланган /11, 12/.

Дори тури ва уларни юбориш усуллари, дори моддаларнинг физик ва кимёвий холатлари хам дориларнинг биосамарадорлигига, сифатига ва турғунлигига таъсир кўрсатиши тегишли адабиётларда келтирилган /13, 14/.

Фармацевтик омилларни хисобга олмаслик дори турида терапевтик номутаносибликни келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, хар хил серияда, лекин дозаси бир хил бўлган бутамид таблеткасини эриш ва қондаги миқдорини камайтириш қобилияти бир хил эмаслиги исботланган.

Шундай қилиб, фармацевтик омилларни ўрганиш амалий ахамиятга эга, чунки НТХ ва адабиётларда келтирилган таркиб ва технологияни тўғрилиги биофармацевтик нуқтаи назаридан бахоланиши келтирилмаган. Улар тўлиқ терапевтик самара бермай, нобиоэквивалентликка сабаб бўлиши мумкин. /15/.

1974 йилда биосамарадорлик тести Бутун Жахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 17-ассамблеяси томонидан қабул қилинди ва шу ташкилотнинг тавсияси билан бу тест in vitro тажрибаларида олиб борилади. /16/ Бундай сўрилиш тезлиги /биосамарадорлик/ - препаратнинг биосуюқликда максимал концентрациясининг хосил бўлиш вақти билан ифодаланади; сўрилиш даражаси эса таклиф этилган ва андоза /стандарт/ дори турларидан сўрилган дори миқдорини нисбати билан ифодаланади.

Аммо бу кўрсаткичлар сўрилиш тўлиқ бўлганлиги ёки бўлмаганлигини ифодалаб бера олмайди. Бунда фармакокинетиктахлил ёрдам беради. Фармакокинетик тахлил фарматерапевтик омилларни тўғри танлашга имконият яратади.

Биосамарадорлик тести тирик организмларда олиб борилади ва аниқлиги билан ажралиб туради, аммо улар мураккаб ва узоқ вақт талаб этганлиги учун ишлаб чиқаришда кам қўлланилади. Шу сабабли Бутун Жахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти тавсияси билан биосамарадорликни инструментал - in vitro усули қўлланила бошланди. In vitro усуллари орасида энг кўп кўлланиладиган диализ, "айланадиган кажава" ва "айланадиган колба" усулларидир. "Айланадиган кажава" усули қаттиқ дори турларидан биофаол ажралиб чиқишини аниқлашда қўлланилади ва XI ДФга расмий усул сифатида киритилди.

Биосамарадорликни аниқлаш бўйича кўпроқ изланишлар эримайдиган ёки қийин эрийдиган доривор моддалар билан олиб борилган. Шуни алохида қайд этиш лозимки, хар

доим хам in vitro ва in vivo тажрибалари асосида олинган кўрсаткичлар бир- бирига мос келавермайди. Шунинг учун тажрибаларни корреляцион коэффициентини аниқлаш зарурдир. Корреляция натижаси бўйича in vitro тажрибаларини қўлланилиши ёки қўлланмаслиги маълум бўлади. қанчалик сон бирга яқин бўлса, шунча олинган натижа ижобий деб хисобланади. In vitro ва in vivo тажрибалари корреляциясини бахолаш усуллари юзасидан олиб борилган изланишлар, бу усулларни қўллаб олинган натижаларда ажралиб чиққан модданинг миқдори, унинг терапевтик концентрацияси билан фарқини аниқ ифодаламайди. Бу корреляцияни тўғри юқори коэффициент билан ифодалаш учун "ўртача сўрилиш вақти" деган тушунчаларни киритиш лозим. Кўрсатилган тушунчаларни аниқлашда математик, фармакокинетик ва физик- кимёвий усуллардан фойдаланиш зарур бўлади.

Метаболизм - доривор моддалар хам организмда метаболитларга айланадилар. Токсик, фармакологик фаол ёки нофаол, уларни тўпланиши ва организмдан чиқиб кетиши ва бошқа биотрансформация ходисалари ўрганиилади.

1. Организмга хос /гормон, витамин, аминокислота, ферментлар ва х.к./

2. Организмга бегона бўлган дори моддалар синтетик органик ва анорганик, ўсимлик моддалар-катобиотиклар.

Улар хужайра микросомаларида тўпланадилар ва турли носпецифик ферментлар таъсирида /оксидаза, трансфераза ва х.к./

Липидларда эрийдиган антибиотиклар секин метаболизмга учрайдилар ва секин чиқиб кетадилар ва кумуляцияга учраши мумкин.

Оқсил билан мустахкам ковалент бирикма хосил қиладилар.

Оғиз орқали қабул қилинган антибиотиклар ошқозон- ичак тармоғи шиллиқ қаватида йиғилиб, сўнг жигарда тўпланадилар. Бошқа орган ва тўқима хужайраларда метаболизм камроқ кечади.

Парентерал холатда юборилган доривор моддалар жигарга кам келади, шунинг учун метаболизм секинлашган.

Қонда кўпроқ бўлади. Ичак микрофлораси ва ферментлар хужайраларда жигарда дегидроксиллаш, декарбоксиллаш, дезалкиллаш, дегалогенлаш, алмашиниш ва х.к. реакцияларга учрайди.

Оқсил ва аминохосилалар сустлашади. Шундай қилиб организмда синтез ёки деградация /бузулиш/ кузатилади.

Синтез бўлганида- конъюгатлар хосил бўлади. Мураккаброқ, кам токсик ва кўп поляр ва сувда яхши эрийдиган хосилалари пайдо бўлади. Организмдан осон чиқиб кетади.

Органик конъюгатлар- глюкурон кислотаси билан жигарда конъюгатлар хосил қилиб чиқиб кетади.

Метанол оксидланиб формальдегидга ва чумоли кислота хосил қилади /захар/ . Дегидротация оксидланиш, қайтариш, гидролиз, -аллюмин- фармакологик фаол бўлмай қоладилар.

Дори моддалар организмда учрайдиган реакциялар тарқалиши, йиғилиши таъсири ва фаол метаболитга айланишига ва нихоят организмдан чиқиб кетишига сабабчи бўлади. Дори моддалардан одам организмида метаболитлар хосил бўлиши турли фанлар доирасида ўрганилади.

1.**БИОЛОГИК МОЙИЛЛИКНИ АНИқЛАШ**

Доривор моддаларнинг таъсир кучи фақат уларнинг физик-кимевий хусусияти, майдалик даражаси, табиатидангина иборат эмас, балки дорини тайерлаш технологиясидан, дори туридан ва уни танага юбориш йўлларига боғлиқ экан. Шунинг учун хар бир дори турини фармакопея талаби бўйича текширишдан ташқари, уни даволовчи таъсирини кўрсатувчи "тест" бўйича хам текширмоқ лозимдир. Бу текшириш доривор модданинг қанча қисми, қандай тезлик билан дори туридан танага ажралиб

чиқишини кўрсатади. Еки бошқа сўз билан айтганда таъсир қилувчи моддаларнинг биологик мойиллигини билдиради.

Хозир биологик мойилликни аниқлайдиган жуда кўп усуллар мавжуддир. Шулар ичида аниқ усул 60 йил бошида in vivo ва in vitro таклиф этган. Бунда дори туридан таъсир қилувчи моддаларнинг қон айланиш системасига сўрилиш даражаси ва тезлиги аниқланилади. Бу усул хозир қабул қилинган ва биофармацевтик нашриетларда келтирилган ва хозирги пайтда ДФ Х1 талаби бўйича дори турларини биологик мойиллигини аниқлаш шарт.

Биологик мойилликни аниқлаш қуйидаги холларда лозим:

- янги дори тури ишлаб чиқарилганда, дорини маълум йил сақлагандан сўнг,
- бир неча хил дори турини бир-бири билан таққослаганда /агар таъсир қилувчи моддаси бир хил бўлиб танага юбориш йўллари турлича бўлса / ишлаб чиқариш технологияси фарқ қилса ва х.к.

Дориларнинг биологик мойиллигини аниқлаш уларнинг сифатини оширишга, такомиллаштиришга хизмат қилади.

Биологик мойилликни аниқлаш тести 2 0- бу дорининг даволовчи таъсирини ўрганади, доривор модданинг даволовчи эквиваленти хақида маълумот бериш биологик мойилликни дори сифатини белгилашда энг мухим кўрсаткичлардан биридир. Биологик мойилликни аниқлашнинг иккита асосий усули бор. 1-усулда доривор модда миқдорини ажралиб чиқиш тезлиги ва вақти билан боғлиқлигини ўлчайди.

2-усулда эса дори моддаларининг фармакодинамик еки биохимик реакцияси ўрганилади. Бу усул жуда мураккаб бўлиб, кўпроқ биринчи усул қўлланилади.

Дори моддалари биохимиявий мухитларда метаболизмга учраши, буйракда, жигарда ва ошқозон ичакда парчаланиши ва улар орқали тарқалиши.

Дориларни сўрилиш эффекти фармацевтик факторларга боғлиқ бўлади ва улар қуйидагилардан иборат:

1. химиявий холатни танлаш
2. физикавий холати
3. ердамчи моддаларни сўрилиши
4. бир вақтда бошқа дориларни қўллаш
5. дори шаклини танлаш
6. юбориш йўлини танлаш
7. дорини аниқ дозасини танлаш
8. физиологик омил

Доривор моддаларни биологик таъсирчанлигини in vitro усулида аниқлаш.

in vitro усулида доривор моддаларни биологик таъсирчанлигини суюқлик ошириш тезлиги орқали ўрганилади.

Дори моддани таркибидаги таъсир этувчи моддани суюқликка ажралиш тезлигини ўрганиш.Хар қандай дори моддасига ажралиш тезлигини ўрганиш лозим.

Доривор моддаларни биологик таъсирчанлигини in vivo усулида аниқлаш.

in vivo усулида хайвон организмларида ва тўқималарида олиб борилади. Ит, мушук, сичқон, каламушларда олиб борилади. Хайвон оғирлигига нисбатан / 1кг масса / олиб борилади.

Физик-кимевий хоссаси ва физиологик холати доривор моддаларни, дори моддаларни қаттиқлиги, форма шакллари, эрувчанлик. Полиморфизм- доривор субстанция узоқ вақтда бир хил шаклни сақлаб қолмаслиги.

Ацетилсалицил кислота 3 хил кристаллик шаклга эга. Булар бора-бора ўз шаклини йўқотади. Уларни олишда ташқи мухит, температура, босим таъсир кўрсатади.

Дисперслик қаттиқ дисперс моддалар кукунларини сочилувчанлик ва епишқоқлигини белгилайди.Майдалик даражаси қанча кичик бўлса дори модда шунча тез сўрилади ва қондаги концентрацияси кўпаяди.

Дори моддаларни сўрилиши. Дори моддаларни юбориш оғиз орқали, тўғри ичакка ва инъекция орқали олиб борилади. Масалан тўғри ичакка юборилган дори моддалар 7 минутдан кейин сўрила бошлайди.

ОҒиз орқали юборилган дорилар 30 минутдан кейин сўрила бошлайди.

қон томир орқали юборилган дори моддалар 1-2 минут вақт ичида таъсири юзага чиқади.

Дори моддаларини сўрилишини таъминлаш учун уларни қандай шаклда тайерлаш кераклигини биофармация орқали ендашилади.

Ердамчи моддаларни сўрилишига таъсири:

технологик омил
дори моддаларини сўрилиши
биотрансформация /метаболизм /
биологик таъсирчанлик

2.ДОРИВОР МОДДАЛАРНИ БИОЛГИК САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Биофармация асослари.

Биофармация ривожланишига 60-йилларда АҚШ да илмий изланишлар натижасид асос солинган. Дориларни таъсирини ўрганишда ердамчи моддаларни таъсири ўрганилади. Дорилар тасирини ўрганишнинг турли йўллари мавжуд. Биринчи навбатда дориларни таъсири, дориларни йўналтириш усулларига боғлиқлиги кўриб чиқилади ва уларни сўрилиш даражалари кузатилади /суппозиториялар, таблетка, мазь, инъекция/ 2. 0.

Иккинчи навбатда дориларни сўрилиши биологик суюқликка боғлиқ холда уларнинг диффузияланиши кинетик холатда кузатилади. Дориларни сўрилиши физиологик холатларга / жинси, еши ва организмни тузилиши / боғлиқ бўлади. Физиологик омилларда дори моддаларни организмга сўрилиши, дориларни организм суюқлигида метоболизмга учраши кузатилади.

Дори моддаларнинг биологик фаоллиги /сўрилиш даражаси/.

60-йилларгача бир хил дозада берилган дори турлари бир хил биологик фаолликка эга бўлади деб тушунилар эди. Бир хил доза ва турдаги дори моддасининг хар хил биологик фаоллиги эса касал танасининг ўзига хос холати деб қаралар эди. Дориларнинг сифатини текширишда унинг миқдорини аниқлаш асосий сифат кўрсаткичи деб қаралар эди. Афсуски хамма дори турлари хам биофармация нуқтаи назаридан бир хил таъсир қилмайди. Шунинг учун сифат ва миқдор кўрсаткичларига биноан даволаш уларнинг хақиқий сифатини белгиламайди.

Биринчи марта I.Levy ва бошқалар 1960 йилда " биологик фаоллик" деган атамани ишлатишган. Уларнинг фикрича "биологик фаоллик даражаси" дори туридан маълум вақт оралиғида сўрилган модда миқдорининг худди шу миқдорда /дозада/ эритма холида берилган стандарт доридан ажралиб чиққан модда нисбатига айтилади ва фоизда ифодаланади:

Б.Ф.Д. текширилаетган дори туридан сўрилган модда миқдори стандарт доридан ажралиб чиққан модда миқдори бу ерда Б.Ф.Д.- биологик фаоллик даражаси

Биологик фаолликни аниқлаш усуллари.

Дори моддаларнинг биологик фаоллиги 2 хил усулда аниқланади:

in vitro- усулида дори туридан таъсир қилувчи моддаларнинг суюқликка ажралиб чиққан миқдори аниқланади. Умуман, дори тури таъсир этувчи ва ердамчи моддалар мажмуасидан иборат бўлиб, таъсир этувчи модданинг суюқликка ажралиб ўтган миқдори сўрилишига тўғри пропорционал бўлади. Шу сабабли Х1 ДФ га бу усул хар бир дори тури учун мажбурий текшириш усули сифатида киритилган.

in vitro усули дориларнинг биологик фаоллигини аниқлашни 1-чи босқичи бўлиб, уларнинг сўрилиш тезлиги албатта in vivo тажрибаларида текшириб кўрилади.

in vivo тажрибалари анча мураккаб бўлиб, дориларнинг сўрилишига физиологик омиллар /организмнинг еши, жинси, холати, дорини қабул қилиш усули, вақти ва хоказолар/ таъсир қилади.in vivo хаққоний усул бўлиб текширишларни одамларда ўтказиш мақсадга мувофиқ хисобланади, лекин бу мақсад учун маълум талабларга жавоб берадиган, ўзи устида тек.шириш ўтказишга рози бўладиган шахслар танлаб олинади. Улар 40 ешдан ошмаган одамларда текширилади.

2- усулда эса доривор моддаларнинг фармакодинамик еки биохимик реакцияси ўрганилади. Бу усул жуда мураккаб бўлиб, кўпроқ 1-усул қўлланилади.

$$Б.С.= \frac{B}{A} .100\%$$

Ўрганиладиган дори турининг биологик миқдори соғлом одамларда еки касалларда олиб борилади. Текширилувчи дори турини танага юбори, сўнгра биологик мойиллик аниқланади. Кўп касаллик таъсири тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабли охирги вақтда биологик миқдор фақат соғлом одамларда олиб борилмоқда. Биологик самарадорликни аниқлашдан олдин аниқ режалаштириб олмоқ даркор.

Бизнинг мамлакатимизда биологик самарадорлик фақат хайвонларда олиб борилади. Одам танасидан доривор модда қандай йўл билан чиқиб кетса худди шундай йўл билан чиқадиган хайвон танлаб олинади. Масалан кучук, денгиз чўчқаси, қуен каби хайвонларни бир хил оғирлик ва ешига қараб танлаб олинади ва бир хил шароитда сақланади. Хайвонларга юбориладиган дори миқдори токсик дозасида 10 дан 20% ташкил қилади. Таблетка ва қаттиқ дори турлари майдаланиб сўнгра зонд ердамида хайвон оғзидан юборилади,қуенларга эса таблеткалар бутунлигича берилади. Тери остига юбориладиган хамма асептик шароитлар билан қилинади. қон 1 мл атрофида қуруқ пробиркаларга солинади.

қоннинг зардобини центрифугада ажратилади. Таъсир қилувчи моддани еки унинг парчаланишидан хосил бўлган моддани миқдорини турли-туман физик-кимевий усул билан аниқланади.Бу усуллар аниқ, сезгир ва маълум хусусиятларга эга бўлиши керак.

Биологик самарадорлик фармакопея усули бўйича аниқланса доринининг фойдаланилишига қараб тананинг турли аъзоларида олиб борилади.

Биологик самарадорлик хулосаларини жадвалга йиғиб бунинг асосида эса график тузилади: биологик суюқликдаги доривор модда миқдори билан унинг таъсир қилиш вақти орасидаги боғлиқликни кўрсатувчи бу графикни фармакокинетик эгрилик дейилади.

1- 1кг қуен оғирлигига 0,03 бутадион таблеткаси юборилган

2- эгриликда эса бутадион шамчаси юборилган

қуен қулоғи венасидан қон олиниб СФ да таъсир қилувчи модда миқдори аниқланган./6-7 қуенда/ ,сўнгра қуйидагилар аниқланган 1-эгрилик остидаги юза аниқланган

2-энг юқори концентрация

3-дори таъсир этган вақт

4-сўрилган дори модда миқдори

Дорининг сўрилиш даражаси текширилаетган ва стандарт дори турини таққослаб аниқланади /трапеция қонуни/ Биологик самарадорлик фоизларда ифодаланилади.

$$Б.С.= \frac{S\ 41}{S} .100$$

Яъни текширилаетган дори эгрилиги остидаги юза катталиги билан стандарт дори эгрилиги остидаги юза катталигининг нисбатини % ларда ифодаланишидир.

Масалан: бутадион таблеткаси = 75,50 мкг.с/мл

бутадион шамчаси = 98.10 мкг.с/мл

Фақат in vivo усули билан биологик самарадорликни аниқлаб, дорининг сифатига хар доим бахо бериш жуда ноқулай. Ноқулай жойи шундаки, бунда иқтисодий жихатдан қиммат ва жуда узоқ вақт сарф бўлишидадир.

Энди аниқ, оддий ва тез бажариладиган усул - in vitro билан танишамиз. Бу усулда асосан дори туридан таъсир қилувчи модданинг ажралиб чиқиш фоизи ўрганилади.

Маълумки дорининг танада сўрилиши унинг таъсир қилувчи модданинг ажралиб чиқишига боғлиқдир. Шунинг учун т.қ.м.нинг ажралиб чиқишини кўрсатувчи усулларга жуда катта ахамият берилади. Шундай усуллардан бири ДФ X1 нашрининг "Тест растворение" бўлими остида берилгандир. Бунда эриш деганда т.қ.м. миқдори маълум шароитда эриб эритмага ўтган миқдори тушунилади./бу қаттиқ дори турлари учун/. Бу усуллардан ташқари 200 дан ортиқ усуллар таклиф қилинган. Таблетка сифатини кўрсатувчи усул биринчи бўлиб АҚШ фармакопеясининг XYIII нашрида 1970 йилларда "эриш тезлиги" сарловхаси остида босиб чиқарилган.

ДФ XI "Растворение", "Эриш". Эриш деганда т.қ.м. маълум вақт ва шароитда қаттиқ дори туридан ажралиб эритмага ўтиши тушунилади.

Идишга эритувчи /сув,HCL/ 37 С солинади. Идиш остидан 2 см юқорида жойлашиб маълум вақт оралиғида анализ учун пробалар олинади./1-2 мл/Хар олинганда ўрнига тоза эритувчидан шунча миқдорда идишга солинади.Миқдори аниқланади ва чизма чизилади.

Дори туридан т.қ.м.нинг тўлиқ ажралиб чиқиши қатор фармацевтик факторларга боғлиқдир. Олинган хулосалар биологик самарадорликни бахолаш учун лозим бўлса, in vivo ва in vitro орасидаги боғлиқликни топиш учун керак. Шундагина биологик самарадорликни бахолаш учун фоойдаланиш мумкин бўлади.

Дори сўрилишига юқорида айтилган фармацевтик омиллар таъсиридан ташқари касалнинг овқатланиши, танасининг хусусиятлари жинси, еши хам катта таъсир қилади. Биринчи ўринда касалнинг еши дорининг сўрилиш тезлигига, тарқалишига таъсир қилади.

Эришни текшириш учун айланувчи кажава асбоби таклиф қилинди.Асбобнинг асосий қисми бўлган кажава тўрсимон цилиндр шаклида бўлиб, тешикчаларининг d 0,25 мм. Шу кажава ичига қаттиқ дори тури солиниб уни эса 1 литр эритмага солиб 50-200 об/мин еки 100 об/мин тезликда айлантирилади. Термостат ёрдамида эритма харорати 37 С да ушлаб турилади. Эритма сифатида сув ва хусусий мақолаларда кўрсатилган эритувчилар / HCL, буфер эритмлар,хар хил РН ли /.

Кажава мухит ичига солинади, кажава идишнинг тубига 2 см етмай туриши керак. Хусуй мақолаларда кўрсатилмаган бўлса 45 мин дан сўнг эритмадан таъсир қилувчи модда миқдорини аниқлаш учун намуна олинади. Фильтрлаб аналитик усуллар билан миқдорий анализ қилинади.

Дорининг хар бир серияси учун юқоридаги анализ қўйилади ва эриб ўтган таъсир қилувчи модда миқдори фоизларда кўрсатилади.

Агарда дори модда 45 дақиқа вақт давомида унинг 75 фоизи сувга ажралиб чиқса, унинг сифати қониқарли деб топилади.

Хозирги вақтгача аниқ такомиллаштирилган асбоб йўқ, шунинг учун кўпинча ЭРВЕКА, САРТОРИУС асбобларида олиб борилади / АҚШ фармакопияси бўйича /.

3.СУТМАЛАР БИОФАОЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Суртмаларнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири бу уларнинг биосамарадорлигидир.

Бу кўрсаткични аниқлаш учун 2 та усул ишлатилади:in vitro ва in vivo . Суртмаларнинг биосамародорлигига бир нечта омиллар таъсир қилади.

Уларнинг асосийлари:

а/ асослар- яъни танланган асоснинг табиати, хусусияти. Хозирги вақтда асосларнинг суртмаларнинг терапевтик кучига кўп томонлама таъсири тасдиқланган.

б/ дори моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари: яъни дисперслик, полиморфизм.

в/ технологик усуллар.

Мисоллар:

а/ Асосларнинг таъсири**.**

қатор илмий тадқиқотлар натижаларига кўра асос суртмалар биофаоллигига юқори даражада таъсир этувчи омил эканлиги тасдиқлайди.Асосан эмульсион ва гидрофил асослар суртмалардан дори моддаларни сўрилишини тезлатиши аниқланган .

Масалан: ПГС таркибли эмульсион ва бентонит асослардан олтингугурт, анестезин, фурациллин, этакридин лактатларнинг биосамарадорлиги юқори бўлиши кўрсатилди.

б/ Моддаларнинг физик -кимёвий хусусиятларидан ларнинг майдалик даражаси ва полиморфизм сезиларли даражада суртмаларнинг биосамарадорлигига таъсир кўрсатади. Масалан: тетрациклин - 4 та модификацияда учрайди, улардан 1 таси аморф тури.

в/ Технологик усуллар -яъни суртма тайёрлаш усули хам таъсир кўрсатади. Масалан, турли хил технологик усуллар механик, ультратоввуш, УПМ- аппарати ёрдамида. Албатта суртмага дори моддаларни қўшиш тартиби хам ахамиятга эга.

Масалан: проторгол суртмасининг биофаоллигига уни асосга қўшиш тартиби /яъни технологияси/ га боғлиқ. Агар протрголни асосга киритишдан олдин эритилмаса унинг терапевтик таъсири намоён бўлмайди. Шуларни хисобга олган холда албатта суртмаларнинг биосамарадорлигини аниқлаш мухим ахамиятга эга.

Биосамарадорлигини аниқлаш.

in vivo ва in vitro усулларида олиб борилади.

Суртмаларнинг биосамарадорлигини in vitro усулида аниқлаш Бу асосий кўрсаткич бўлади.

in vitro усулида суртмалардан таъсир этувчи моддаларни ажралиб чиқиш тезлиги бахоланади.

1-усул: агар-агарга тўғри диффузия усули. Агар-агарга таъсир этувчи моддага мос келувчи реактив солинади. Таъсир этувчи моддани агар-агарга диффузия тезлиги унинг турли хил рангга бўялганлигига қараб ўлчанади.

2-усул: дори моддаларни мембраналар орқали ўтишига асосланган./ Крувчинский усули/ .

Доривор моддаларни суртмалардан ажралиб чиқиш тезлигини аниқлаш учун белгиланган вақт оралиғида мухитдан намуналар олиниб, махсус формула орқали дори моддани неча фоизи ёки грамм миқдори мухитга ўтгани аниқланади ва махсус чизмалар ёки жадваллар тузилади. Мембрана сифатида целлофан плёнкаси қўлланилиши мумкин.

Суртмаларнинг биосамарадорлигини in vivo усулида бахолаш in vitro усуллари ёрдамида суртмаларнинг биосамарадорлигини тўлиқ бахоланиши имкониятини бермайди. Шунинг учун in vivo усуллари қўлланилади.Уларнинг бир неча турлари ишлатилади.

1. Сўрилган дори моддаларни миқдорини аниқлаш. Одамнинг ёки хайвонларнинг терисига белгиланган миқдорда суртма суртилади ва шу жойга босим / 100 мм симоб уст / таъсири кўрсатилади.

Тери остига сўрилган моддаларнинг миқдори суртма намуналарининг қолдиғи бўйича аниқланади./ яъни терига суртилган суртмани намунасини ва сўрилмаган қолдиғининг айирмаси бўйича /.

2. Гистологик текширишлар бўйича.

4.ШАМЧАЛАРНИНГ БИОСАМАРАДОРЛИГИНИ АНИқЛАШ

Шамчаларнинг биосамарадорлигини аниқлашда хам турли усуллар қўлланилади. Улардан асосй таъсир этувчи моддаларнинг мембрана орқали диффузиясига асосланган.

Мембрана сифатида целлофан , " SARTORIUS " фирмасининг мембранаси /тери модели/ қўлланилади.

Аниқлаш учун шамча майдаланилади ва 3 г дан тортиб олинади ва диализ камерасига жойлаштирилади.Диализат 37 С хароратда бўлиши керак. Диализат аралаштириб турилади. Аниқлашни 6 соат давомида олиб борилади. Шамчаларнинг биосамарадорлигини мембрана-диффузия усули билан хам аниқлаш мумкин. Бунинг учун шамча майдаланилади ва бир томони ярим ўтказувчи мембрана билан бекитилган пробиркага ўрнатилади. Сўнг шу пробирка диализатга ботирилади ва суртмаларда биофаол модда аниқлаш тартиби бўйича аниқланади.

.